# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2021 йил 25 март, № 60 (7840) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ҚИШЛОҚ ВА МАҲАЛЛАЛАРНИ ОБОД ҚИЛИШ БУТУНЛАЙ ЯНГИ БОСҚИЧДА ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ

**Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 24 март куни «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида жорий йилда амалга ошириладиган ишлар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Тараққиётнинг янги босқичида дадил одимлаётган Ўзбекистонда бугун гўзал суратига монанд сийрат ўзгаришлари жадал тус олди. Мамлакатимизнинг қай бир ҳудудига борманг, қурилиш-бунёдкорлик, ободонлаштириш ишларига гувоҳ бўламиз.

Давлатимиз раҳбари бу борада амалга оширилаётган ишлардан кўзланган мақсад халқимизнинг розилигини топиш, ҳаёт сифатини яхшилаш эканини таъкидлади.

Олиб борилаётган ишлар эндиликда бутунлай янги босқичда давом эттирилади. “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” тушунчалари янги мазмун билан бойийди.

**— “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” деганда нафақат уларнинг йўллари ёки маҳалланинг қиёфаси яхшиланиши, балки у ердаги аҳолининг даромади кўпайиши, ижтимоий соҳа объектлари тўлиқ ишлаши, қисқача айтганда, танланган маҳалла ҳар томонлама обод бўлиши керак. Энг асосийси, ҳақиқий обод маҳаллада “темир дафтар”, “аёллар дафтари” ва “ёшлар дафтари” бўлмаслиги лозим, — деди давлатимиз раҳбари.**

Шу маънода, лойиҳаларни ишлаб чиқишда қишлоқ ва маҳалла аҳолиси ҳамда тадбиркорлар билан маслаҳатлашувлар ўтказилади. Бунда ободончилик билан бир қаторда, иш ўринлари яратиш, ишлаб чиқариш объектларини барпо этишга алоҳида эътибор қаратилади.

**— “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари “бир марталик иш”га айланиб қолмаслиги, қилинган ҳар бир сўм инвестиция одамларимизга уч баравар кўп фойда келтириши, уларнинг даромадини ошириши лозим. Афсуски, ҳамма раҳбарлар ҳам бу масалаларни тушуниб етмаяпти, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Бугунги кунда республикада оғир аҳволга тушиб қолган 796 та қишлоқ ва шаҳарларда 188 та маҳалла мавжуд. Шунингдек, 137 та маҳалладаги 431 та икки қаватли уйлар авария ҳолатида. 4 мингдан зиёд маҳаллаларнинг электр таъминоти қониқарсиз аҳволда.

Қишлоқларга инфратузилма борсагина ҳаёт сифати ўзгаради, тадбиркорлик ривожланади. Шу сабабли бу йил “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари янги ёндашувлар асосида шакллантирилди. Аҳоли талабларидан келиб чиқиб, 206 та туман ва шаҳар ҳокимлари, йўл, электр таъминоти, коммунал хизмат ва тадбиркорликка масъул раҳбарлар билан бирма-бир гаплашилиб, 8 мингта маҳаллада бажарилиши лозим бўлган ишлар белгилаб олинди. Бунда ободончилик билан бир қаторда янги ишлаб чиқариш объектлари қуриш, иш ўринлари яратиш, аҳолини ижтимоий хизматлар билан қамраб олиш ҳам кўзда тутилган.

**— Жорий йилда қишлоқ ва маҳаллаларда аҳоли шароитини яхшилашга жами 21 триллион сўм йўналтирамиз, — деди Президент. — Ўзбекистон тарихида ҳали бирор марта бир йилда бундай катта маблағ ажратилмаган. Энг муҳими, бу борадаги ишларга ташқи қарз жалб қилинаётгани йўқ.**

Йиғилишда ажратилаётган маблағлар аниқ лойиҳа асосида, адолатли ва шаффоф тарзда ишлатилиши қайд этилди. Бу борада янгича механизм ҳаётга татбиқ қилинади. Яъни бундан буён “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларига қайси маҳалла ёки қишлоқ киришини маҳаллий Кенгашлар белгилайди. Туман ва шаҳар ҳокимининг иқтисодиёт, қурилиш ва маҳалла масалалари бўйича ўринбосарлари ўз дастурлари доирасида зарур маблағлар ва амалга оширилиши лозим бўлган ишларни аниқ ҳисоб-китоб қилиб, маҳалла раиси билан бирга, ҳудудий Кенгашларда ҳимоя қилади.

Маҳаллий Кенгашлар ҳар бир маҳалла кесимида ижтимоий соҳа, ичимлик суви, йўл-транспорт ва инфратузилма объектлари “манзилли дастури”ни тасдиқлайди. Бунда дастурлар доирасида маҳалла раислари ва аҳолининг “ижтимоий ҳамкорлиги” йўлга қўйилади. Яъни давлат янги йўл қуриб берса, унинг атрофига дарахт экиш, қазиб берилган ариқ ва зовурларни кейинчалик тозалаш, қурилган биноларнинг бутун сақланишини таъминлаш бўйича маҳалла аҳолиси ўзига мажбурият олади.

Бундан буён республика ва маҳаллий бюджетдан ажратилаётган маблағлар манзилли, талон-торож қилмасдан ишлатилиши прокуратура тизими, жумладан, туман ва шаҳарлар прокурорларининг ёрдамчилари томонидан назорат қилинади.

Йиғилишда ижтимоий-иқтисодий аҳволи энг оғир 325 та қишлоқ ва шаҳарлардаги 71 та маҳаллани комплекс ривожлантириш масаласига тўхталиб ўтилди. Уларда ичимлик суви, электр тармоқлари, ички йўллар ва ижтимоий соҳа объектларини қуриш ҳамда таъмирлаш учун 3,3 триллион сўм ажратилиши белгиланди.

Шунингдек, 2 минг 721 та маҳалладаги 10 минг километрдан ортиқ ички йўлларни таъмирлашга 2 триллион сўм, 500 та маҳаллага 4 минг километрдан ортиқ ичимлик суви тармоғи тортиш учун 1 триллион сўм ажратилади.

Аҳолини электр энергияси билан таъминлаш борасида узоқ йиллар давомида кўплаб муаммолар йиғилиб қолган бўлиб, бу одамларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда. Ҳар йили қишда энегрия таъминотидаги узилишлар билан боғлиқ муаммолар кузатилади. Жорий йилдан бу масалалар тўлиқ бартараф этилади. Шу мақсадда 5 минг 377 та маҳалладаги 15 минг километр электр узатиш тармоқлари ва 4 мингдан ортиқ трансформаторлар янгиланади. Бу ишларга қарийб 2,1 триллион сўм йўналтирилади. Соҳада хусусий шериклик тизими йўлга қўйилади.

Эндиликда қишлоқлар инфратузилмаси ҳам тубдан ўзгаради. Жаҳон банки ва Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки билан бирга, “Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида Фарғона, Андижон, Наманган, Сирдарё ва Жиззах вилоятларидаги 21 туман, 60 та қишлоқда 485 миллиард сўмлик лойиҳалар бошланади.

Йиғилишда аҳоли бандлигини таъминлаш, одамларнинг барқарор даромад манбаига эга бўлиши учун шарт-шароитлар яратиш масалалари ҳам муҳокама этилди. Хусусан, “Оилавий тадбиркорлик”, ёшлар ва аёллар дастурларини бевосита маҳаллага боғлаб, аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш ва бу орқали 500 минг нафар ёш ҳамда 200 минг аёлни иш билан таъминлаш ва “темир дафтар”га кирган 300 минг нафар аҳолини камбағалликдан чиқариш зарурлиги таъкидланди.

Бунинг учун жорий йилда “Оилавий тадбиркорлик” дастурлари учун 9 триллион сўм ресурс йўналтирилади.

128 та маҳаллада кичик саноат зоналари ташкил этилади. Бунинг учун инвестиция дастурлари доирасида 1 триллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилади.

Давлатимиз раҳбари вилоят ҳокимлари ҳам ҳафтада бир марта ўз ҳудудидаги тадбиркорлар билан учрашиб, уларнинг масалаларини ечиб боришини таъкидлади. Тез кунларда тадбиркорлар билан доимий алоқани йўлга қўйиш бўйича электрон портал ишга туширилади.

Дастурларда ижтимоий соҳаларни ривожлантириш чора-тадбирлари ҳам белгиланган. Хусусан, “Обод қишлоқ” дастури доирасида 379 та мактаб, 171 та мактабгача таълим ва 161 та тиббиёт муассасасини, “Обод маҳалла” дастури доирасида 57 та мактаб, 37 та боғча ва 15 та тиббиёт масканини қуриш-таъмирлаш ишлари олиб борилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлигига “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларига кирган аҳоли пунктларининг “тиббий харитаси”ни шакллантириш вазифаси қўйилди.

Сектор раҳбарлари ўз ҳудудида бажарилаётган ишлар бўйича маҳаллий Кенгашларда ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали аҳолига ҳисобот бериши зарурлиги айтилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар ва ҳокимлар ахборот берди.

**Дилшод КАРИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# СОҲАДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ВА НАТИЖАЛАР ХАЛҚАРО МИҚЁСДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛМОҚДА

*Кеча Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссия йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси, миллий комиссия раиси Танзила Норбоева олиб борди.*

## Сарҳисоб

Йиғилишда Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий маърузачи томонидан тайёрланган ахборот, миллий комиссия томонидан амалга оширилган ишлар ва келгусидаги вазифалар тўғрисида сўз юритилди.

Хусусан, маърузачи томонидан тайёрланган ахборотда соҳада миллий қонунчиликни такомиллаштириш борасида олиб борилган ишлар, кўрилган ташкилий ва амалий чоралар, мавжуд муаммолар ҳамда уларни ҳал этиш бўйича таклифлар акс эттирилгани таъкидланди.

Йиғилишда мамлакатимизда одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш борасида амалга оширилган ишлар қаторида мавжуд муаммолар, йўл қўйилган камчиликлар ҳам танқидий муҳокама қилинди.

Қолаверса, Одам савдосига қарши курашиш (Ички ишлар вазирлиги) ҳамда Мажбурий меҳнатга қарши курашиш (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги) масалалари бўйича кичик комиссиялар ҳамда ҳудудий комиссиялар (Андижон, Бухоро ва Хоразм вилоятлари) раҳбарларининг соҳага оид маърузалари тингланиб, миллий комиссиянинг тегишли хулоса ва топшириқлари берилди.

**Танзила НОРБОЕВА,**
**Олий Мажлис Сенати Раиси:**

— 2019 йилдан бошлаб, миллий маърузачи томонидан одам савдосига ҳамда мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар ва мавжуд муаммолар бўйича давлат раҳбарига ахборот киритиб борилмоқда.

Бугунги мажлисда, асосан, 2 та масала батафсил муҳокама қилинди. Биринчиси — одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш борасида 2020 йилда амалга оширилган ишлар танқидий кўриб чиқилди. Иккинчидан, ўтган йилги фаолият якунлари бўйича тайёрланган ахборотда билдирилган таклифларни ҳамда халқаро ташкилотлар тавсияларини амалиётга татбиқ этиш бўйича “Йўл харитаси” лойиҳаси батафсил ўрганилди.

Албатта, 2020 йилда миллий комиссия бир қатор ижобий натижаларга эришди. Аввало, миллий қонунчилигимизни давр талабидан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштириш ишлари давом эттирилди. Хусусан, 2020 йилда 19 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

→ 2

# ДЕПУТАТЛАР ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ЮЗАСИДАН БИР ТЎХТАМГА КЕЛОЛМАДИЛАР. НЕГА?

*Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Унда қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилаётган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.*

## Фракцияларда

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси** аъзолари “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамасида фаол иштирок этди.

Қонун лойиҳасининг мақсади — аҳоли бўш пул маблағларини иқтисодиётнинг реал секторига жалб қилиш механизмини такомиллаштиришдан иборат бўлиб, ушбу ҳужжат Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикаси ўрнини яхшилашга қаратилган. Чунки ушбу ҳисоботга кўра амалдаги қонунда белгиланган нормалар акциядорларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишга имкон бермаяпти.

Хусусан, депутатларнинг қайд этишича, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунда кўрсатилган нормалар миноритар акциядорлар, акциядорларнинг умумий йиғилишида тадбир ўтказиладиган жойда ҳозир бўлмасдан масофадан қатнашиб, акциядорлик жамиятининг фаолиятида тўлиқ ҳуқуқлар билан иштирок этиш имкониятига эга эмас.

Ушбу лойиҳанинг қабул қилиниши мамлакатда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, аҳолининг бўш пул маблағларини республика иқтисодиётига кенг ҳамда фаол жалб этиш, шу орқали реал сектор корхоналарининг банк кредити (банк секторига бўлган юкланиш камайтирилади) ва давлат кафолатларига қарамлик даражасини ҳамда иқтисодиётда давлат иштирокини кескин камайтириш имконини беради.

→ 2

## Қонунчилик палатаси Кенгашида

Ўзбекистон — Туркия:

# ПАРЛАМЕНТЛАРАРО МУЗОКАРАЛАР ЯКУНЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Туркия Буюк Миллат Мажлисидаги “Туркия — Ўзбекистон” парламентлараро гуруҳи ҳамраислари Акмал Саидов ва Осман Местен иштирокида шу ой аввалида, видеоконференция форматида учрашув ўтказилган эди.*

*Қонунчилик палатаси Кенгашининг куни кеча бўлиб ўтган йиғилишида мазкур мулоқот якунлари муҳокама этилди.*

*Олиб борилган музокаралар, унинг натижалари ҳақида Олий Мажлиснинг Туркия Республикаси Буюк Миллат Мажлиси билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳи раиси Акмал САИДОВ фикрлари билан қизиқдик.*

— Дарҳақиқат, сўнгги йилларда Ўзбекистон — Туркия муносабатлари икки ва кўп томонлама ҳамкорлик шаклида сезиларли даражада ривожланиб бормоқда. Олий ва юқори даражадаги, хусусан, парламентлар, вазирликлар ҳамда идоралар, ишбилармон ва илмий-академик доиралар, шунингдек, вилоятлар ўртасидаги алоқалар тобора мунтазамлик касб этиб бормоқда.

Албатта, бунда Ўзбекистон ва Туркия давлатлари раҳбарларининг 2017 йил октябрь ҳамда 2018 йилнинг апрель-май ойларида амалга оширган ўзаро ташрифлари, дўстона ва самимий муносабатлари ҳамда сиёсий иродаси икки томонлама алоқаларнинг барча соҳада, шу жумладан, парламентлараро алоқаларнинг жадал ривожланишига катта туртки берди.

Парламентлараро дўстлик гуруҳлари ўртасида ўтказилган учрашув, қайд этиш жоизки, Ўзбекистон ва Туркия парламентлари фаолияти ҳамда икки томонлама ҳамкорлик истиқболларида муҳим ўрин тутиши билан алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Мулоқот чоғида Осман Местен сўнгги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар натижасида юз бераётган ижобий ўзгаришларга эътибор қаратди. Жумладан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида сўзлаган нутқи бошидан охиригача тинчликпарварлик, ҳамкорлик ва бунёдкорликка интилиш ғоялари билан йўғрилганлигини таъкидлади.

→ 2

# АҲОЛИ ОРАСИДА ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ ЕТАРЛИМИ?

*Олий Мажлис Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йилда ҳуқуқий тарғибот ва маърифатнинг ҳолати ҳақидаги ахбороти эшитилди.*

## Мулоҳаза

Вазир томонидан маълум қилинишича, адлия органлари томонидан 2020 йил давомида телевидение ва радио орқали 11 мингдан ортиқ чиқишлар қилиниб, 13 мингдан зиёд нусхада плакат, буклет ва флаерлар аҳолига тарқатилган.

Барча муҳим қонунчилик ҳужжатлари бўйича комплекс тарғибот материаллари шаклида, яъни аннотация, слайд, флаер, инфографика, видеороликдан иборат 200 дан ортиқ тарғибот “пакет”лари тайёрланиб, давлат органлари ва ташкилотларига юборилган.

“Бепул ҳуқуқий маслаҳат билан ҳар бир уйга” шиори остида ҳуқуқий маслаҳат бериш тизими йўлга қўйилиб, лойиҳа доирасида 5 минг 857 та маҳалладаги 78 минг 292 та хонадонда суҳбат ўтказилган. Уларга бепул ҳуқуқий маслаҳат, шу жумладан, “аёллар дафтари”, “темир дафтар” ва ижтимоий ҳимояга оид бошқа лойиҳалар тўғрисида маълумотлар берилган.

Қолаверса, “Коррупция — тараққиёт кушандаси” номли иншолар танлови доирасида мактаб, ўрта махсус ҳамда олий ўқув юртларининг 17 мингдан зиёд ёшлари қамраб олинган. Журналист ва блогерлар учун “Пандемия — 2020: чақириқлар, хулосалар, оқибатлар” танлови ўтказилган.

→ 2

# ЎЗБЕКИСТОНДА ЛОГИСТИКА

## Унинг ривожланиш истиқболлари қандай?




*Президент Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида “Бугун Марказий Осиё давлатлари олдида муҳим стратегик вазифа турибди. У ҳам бўлса, минтақамизнинг глобал иқтисодий, транспорт ва транзит йўлакларига чуқур интеграциясини таъминлашдир. Шу муносабат билан БМТ шафелигида Транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш минтақавий марказини очишни таклиф этамиз”, дея таъкидлаганди.*

*Хўш, бу нимани англатади? Умуман, Ўзбекистонда логистика имкониятлари қандай ва ундан қай даражада фойдаланяпмиз?*

*Қуйида ушбу саволлар атрофида фикр юритамиз.*

## Долзарб мавзу

### Шаклланишнинг ўзига хослиги

Бугунги кунда халқаро интеграциялашувнинг кучайиши, иқтисодий алоқалар ривожланишига ҳам кенг замин яратмоқда. Бу жараёнга давлатларнинг қанчалик мослашувчан ёки рақобатбардошлигини белгиловчи асосий омил эса унинг логистик инфратузилмалари қай даражадалиги билан баҳоланади. Шу боис мамлакатимизнинг ҳозирги логистик имконият ва камчиликларини чуқур таҳлил қилган ҳолда соҳа истиқболи йўлида амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш асосий вазифалардан биридир. Бинобарин, жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутувчи мамлакатлар тажрибасидан кўриш мумкинки, рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда, иқтисодиётнинг “қон томири” бўлган логистик инфратузилманинг қанчалик самарали ташкил этилгани билан боғлиқ. Тобора интеграциялашиб бораётган жаҳон бозорида рақобат устунлигига эса товар нархида ташиш харажатларини қисқартириш билан эришилади.

Барчамизга аёнки, Ўзбекистонда халқаро юк ташувда энг арзон ҳисобланган сув транспортидан фойдаланиш имконияти чекланган. Демак, бизда ички ва халқаро миқёсда мултимодал ташувларни ривожлантириш талаб этилади. Шу боис мамлакатимизда йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Бу борадаги ишлар давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Натижада Ўзбекистонда ташқи иқтисодий ва бошқа халқаро алоқалар, шу жумладан, юклар (йўловчилар)ни халқаро ташишлар изчил ривожланмоқда. Буни янги ишлаб чиқилган қонунлар, қарорлар ва логистик марказ ҳамда корхоналарга яратилаётган турли имкониятлар ва янги очилаётган логистик марказлар мисолида яққол кўриш мумкин.

Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари ичида, транзит коридор сифатида жуда қулай нуқтада жойлашган бўлиб, у нафақат мазкур минтақа мамлакатларини, балки Яқин Шарқни Ғарб мамлакатлари билан боғловчи қуруқлик йўли ҳамдир. Бунга тарихдан Буюк Ипак йўли ёки бугунги кунда эса “Бир макон, бир йўл” иқтисодий мегалойиҳаси яққол мисол бўла олади...

Шу ўринда, логистика ўзи нима, деган саволга жавоб бериб ўтсак. “Логистика” сўзи келиб чиқиши бўйича юнончадир. Қадимги Афинада махсус амал — “логист” ёки ижтимоий ўз-ўзини бошқариш амалдори бўлиб, улар ҳар йили қуръа ташлаш йўли билан белгиланган. Вазифаси ваколати тугаган бошқа амалдорларнинг ҳисоботларини текшириш ва бу ҳисоботларни фахрли фуқаролар кенгашига тасдиқлашга топширишдан иборат бўлган. Кенгашнинг хулосаси якуний қарор бўлган.

Шунингдек, қадимги Римда маъмурий вазифаларни бажарувчи амалдорлар “логистлар” деб аталган. “Логистика” атамасидан машҳур олимлар, файласуфлар, саркардалар ўз асарларида фойдаланганлар. Масалан, немис математиги Г. В. Лейбниц ундан “Хулосаларни ҳисоблаш” ёки математик мантиқ маъносида фойдаланган бўлса, XIX асрда бу атамадан келиб чиқиши швейцариялик бўлган таниқли ҳарбий назариячи ва тарихчи Антуан-Анри Жомнин ўз асарларида фойдаланган. Логистика, ҳарбий соҳаларда ҳам ишлатилган.

→ 3

## Халқ вакиллари — ҳудудларда

# НАМАНГАНДА СЕНАТОРЛАР МУРОЖААТЧИЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

*Олий Мажлис Сенати Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Маҳмуджон Парпиев ҳамда Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Носирхон Абдуллахонов Наманган шаҳрида парламент юқори палатасига мурожаат билан чиққан фуқаролар учун қабул ташкил қилди.*

Аҳолини қийнаётган масалалар, жумладан, Наманган шаҳрида кўп қаватли уйларга ичимлик сувини барқарор етказиб бериш, Поп туманидан деҳқон хўжалиги учун ер участкасини расмийлаштириш, шу тумандан иш жойи билан таъминлашни сўраб арз қилган уч нафар фуқаро мурожаатлари сенаторлар назоратига олинди.

→ 2

# ШАФҚАТСИЗЛИККА ҚАРШИ КУРАШ МАВЗУСИ — МУҲОКАМА МАРКАЗИДА



*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси бўйича фракциялараро дебат ўтказилди. Қуйи палатанинг Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда сиёсий партиялар фракцияларининг аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.*

**Фракциялараро дебат**

Дебат мавзуси бўлган қонун лойиҳасида ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтириш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига, атмосфера ҳавоси ҳамда сув ресурсларига зарар етказганлик билан боғлиқ янги ҳуқуқбузарликлар турлари ва улар учун жавобгарликни белгилаш назарда тутилган.

Қайд этилганидек, киритилаётган қонун лойиҳасида жониворларнинг шафқатсизларча ўлдирилиши, чавоқланиши, энг ачинарлиси, кўнгилхушлик сифатида тириклайин ёқиб юборилиш ҳолатларини майда безорилик сифатида малакалаш жараёнлари ҳам учраб турибди.

Бундан ташқари, шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари ҳузуридаги қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш жамоаси вакиллари томонидан ҳайвонларга нисбатан шафқатсизлик қилиш, қийноққа солиш болалар ва кекса фуқароларнинг кўз ўнгида содир этилмоқда.

Ҳайвонларга нисбатан инсонпарварлик муносабатида бўлиш — ҳар қандай мутараққий маданиятнинг ажралмас қисми.

Бу каби вазиятлардан келиб чиқиб, Жиноят кодекси ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлганлик учун, яъни безорилик оқибатида ёки бошқа ғаразли ниятларда уларнинг қийноққа солиниши ёхуд уларга азоб етказилиши уларнинг ўлимига ёки майиб бўлишига олиб келганлиги учун, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, жиноий жавобгарликни белгиловчи янги 202¹-модда билан тўлдирилмоқда.

Ўз навбатида, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 111-моддасига тегишли ўзгартишлар киритилиб, биринчи қисмида ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлганлик, яъни безорилик оқибатида ёки бошқа ғаразли ниятларда уларни қийноққа солганлик ёки уларга азоб етказганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима, иккинчи қисмида худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор ёки вояга етмаган шахс ҳозирлигида содир этилганлиги ёхуд ҳайвонларнинг ўлимига ёки майиб бўлишига олиб келганлиги учун базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солиш ёки ўн беш суткагача маъмурий қамоққа олиш тарзидаги жавобгарлик белгиланмоқда.

Дебат мавзуси юзасидан сиёсий партиялар фракциялари ўз позициясини билдирди.

Чунончи, **Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси** қонун лойиҳасида ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтириш бўйича киритилган ўзгартишни қўллаб-қувватлади. Фракция аъзолари тадбиркорларга енгиллик яратиш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда лойиҳаларни давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосасисиз рўёбга чиқариш ва лойиҳаларга берилган давлат экологик экспертиза хулосаларида белгиланган шартларни бажармаганлик учун белгиланган жавобгарликни бекор қилиш таклифини билдирди.

**Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси** томонидан қонун лойиҳасида янги киритилаётган 86¹-моддаси, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддаси иккинчи қисмида “Таркибида озонни бузувчи моддалар мавжуд бўлган буюмлардан фойдаланувчи ва уларни таъмирловчи корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотлар бундай моддалар ҳисобга олинишини ва улар озон учун хавфсиз моддалар билан алмаштирилишини таъминлаши лозим” деб келтирилганлигига, шунингдек, жарима қўлланадиган шахслар доираси кенгайиб кетганига ҳам эътироз билдирилди. Фракция аъзолари шу масала бўйича ҳам изоҳ талаб қилди.

**Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси** аъзолари айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш орқали кўзланган мақсадларга эришиб бўлмаслигини қайд этди. Уларнинг таъкидлашича, Экологик партия ёки соҳага оид бошқа нодавлат ташкилотларни мазкур йўналишда тарғиботларни кучайтириши лозим. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 74-моддасига қўшимча тарзда киритилаётган “Сувдан хўжасизларча фойдаланиш ва бошқа ишларни ўзбошимчалик билан бажариш” деган ҳаволаки нормалар киритилиши норматив ҳужжатларда аниқ белгиланмаганлиги сабабли ушбу мажбуриятлар тушунмовчиликларни келтириб чиқариши ва ҳатто коррупцияга кенг йўл очиши мумкин.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси** аъзолари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга “Ўсимлик дунёси объектларини йиғиш, тайёрлаш ва улардан фойдаланиш тартиби ва шартларини бузиш” тўғрисида 79¹-модда билан тўлдирилишини назарда тутилганига эътибор қаратди. Уларнинг фикрича, ушбу моддада фуқароларга белгиланган жаримани, яъни “базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача” белгиланган жарима миқдорини “базавий ҳисоблаш миқдорининг учдан бир қисмидан бир баравари”гача камайтириш зарур.

**Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси** вакилларининг қайд этишича, шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари ҳузуридаги қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш бригадасига ҳайвонларни стериллаш, боқиш, эмлаш вазифаси берилмаган. Мазкур қонун лойиҳасида ушбу бўлим фаолиятини эътиборга олиш лозим.

Баҳс-мунозаралардан сўнг Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси қонун лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан билдирилган таклиф ва тавсияларни умумлаштирадиган бўлди.

**Олий Мажлис**
**Қонунчилик палатаси**
**Матбуот хизмати.**

# СОҲАДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ВА НАТИЖАЛАР ХАЛҚАРО МИҚЁСДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛМОҚДА

←1

Энг асосийси, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат учун жавобгарлик чоралари кучайтирилди. Яъни энди бирор-бир шахс болалар меҳнатига йўл қўйса, дастлабки қилмиши бўлишига қарамасдан жиноий жавобгарликка тортилади. Шунингдек, болалардан фоҳишалик мақсадида фойдаланиш, уларни ғайриқонуний жамоат бирлашмаларига жалб қилиш, мажбурий меҳнат бўйича ҳам жазо чоралари оғирлаштирилди.

2019-2020 йилларда айрим хусусий бандлик агентликлари фирибгарлик йўли билан қанчадан-қанча ишсиз фуқароларимизни алдаб кетди ва бу аҳолининг оммавий эътирозларига сабаб бўлди. Шу боис қонунчиликдаги бўшлиқларни тўлдириш, хорижда ишлаш истагидаги фуқароларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги Қонунга ўзгартишлар киритилди.

Унга кўра эндиликда Ўзбекистондан ташқарида иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш билан боғлиқ харажатлар иш берувчилар маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

“Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Қонунга киритилган қўшимчалардан келиб чиққан ҳолда, одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни идентификация қилиш ҳамда қайта йўналтириш тартиби ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда пахта йиғим-терими мавсумида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан фойдаланиш юзасидан учинчи томон мониторинги, Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан миллий мониторинг ўтказилди.

Сенатор ва депутатлар томонидан журналист ҳамда блогерлар иштирокида парламент назорати олиб борилди. Мазкур мониторинг ишларига фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, ҳуқуқ ҳимоячилари ҳам кенг жалб этилди.

Унинг натижаларига кўра, Ўзбекистонда пахтачиликда тизимли равишда болалар ва мажбурий меҳнатдан фойдаланишга тўлиқ барҳам берилганлиги, мажбурий меҳнатнинг бутунлай бартараф қилинишида сезиларли натижаларга эришилганлиги қайд этилди.

Бу соҳада мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида халқаро ҳамжамиятни хабардор қилиш ва ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида Халқаро меҳнат ташкилоти, Миграция бўйича халқаро ташкилот, БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, АҚШ Давлат департаменти ҳамда Меҳнат вазирлиги, “Коттон компейн” коалицияси билан 20 га яқин учрашувлар ва онлайн мулоқотлар ташкил этилди.

Бу борада олиб борилаётган ишларимиз халқаро ҳамжамият томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Хусусан, 2020 йил октябрда АҚШ Савдо ташкилоти (USTR) томонидан Ўзбекистоннинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш мезони бўйича АҚШнинг Преференциялар бош тизимига (GSP) мувофиқлигини қайта кўриб чиқиш бўйича иш тугатилганлиги тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шу билан бирга, олиб борилган таҳлиллар асосида Еврокомиссия 2020 йил декабрда “Ўзбекистон “GSP+”да қатнашиш мезонларига жавоб беради” деган хулосага келди.

Албатта, 2020 йилда мазкур соҳаларда амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда, ҳал этилиши лозим бўлган айрим муаммолар ҳам мавжуд.

Афсуски, айрим маҳаллий ҳокимликлар, вазирлик, идоралар ҳамда уларнинг қуйи тузилмалари раҳбарлари томонидан ходимларни ўз функционал вазифаларига кирмайдиган ишларга мажбурий жалб қилиш ҳолатлари ҳали ҳам учрамоқда. Хусусан, пахта йиғим-терими мавсуми давомида 42 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди, 6 та ҳолат юзасидан тегишли ҳужжатлар судларга киритилди.

Мониторинг натижаларига кўра, 2020 йилда коммунал соҳа, хусусан, газ, энергетика, сув таъминоти идоралари, ободонлаштириш, банк-молия ташкилотлари ходимларини мажбурий тарзда пахта йиғим-теримига жалб этиш ҳолатлари нисбатан кўпроқ кузатилди.

Шу билан бирга, айрим кластерлар ва фермерларда мавсумий ишчилар учун зарур меҳнат ҳамда дам олиш шароитларини яратиш, меҳнат муносабатларини тўғри расмийлаштириш борасида 125 та ҳолат аниқланиб, маъмурий жавобгарликка тортилди.

Шуни эслатиб ўтмоқчиманки, 2021 йил 12 февралдан бошлаб вояга етмаганларни мажбурий меҳнатга жалб қилганлик учун тўғридан-тўғри жиноий жавобгарлик белгиланди.

Бир неча бор таъкидлашимизга қарамай, одам савдоси ва мажбурий меҳнат билан боғлиқ жиноят ҳамда ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, тергов қилиш, жавобгарликка тортиш бўйича ягона электрон статистик маълумотлар базасини шакллантириш ишлари ҳанузгача якунига етказилмади.

Йиғилишда бу каби камчиликларни жойларда бартараф этишга қаратилган зарур тадбирлар ҳам белгилаб олинди.

Шунингдек, миллий комиссия томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда ишлаб чиқилган “2020 йилда одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасида амалга оширилган ишлар юзасидан ахборотда билдирилган таклифларни амалиётга татбиқ этиш бўйича чора-тадбирлар режаси” (“Йўл харитаси”) лойиҳаси кўриб чиқилиб тасдиқланди ва ижро учун тақдим этилди.

**Мунисхон КАРИМОВА**
**(«Халқ сўзи»).**

# ДЕПУТАТЛАР ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ЮЗАСИДАН БИР ТЎХТАМГА КЕЛОЛМАДИЛАР. НЕГА?

←1

**Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси** йиғилишида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам қизғин муҳокамаларга сабаб бўлди.

Ушбу қонун лойиҳасида коммунал хизматлар билан боғлиқ жиноятларни аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш вазифаси — Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, бартараф этиш ва уларнинг олдини олиш эса ички ишлар органлари томонидан амалга оширилиши белгиланмоқда. Илгари бу вазифалар Мажбурий ижро бюроси томонидан амалга оширилар эди.

— Менимча, бу борада тўғри қарорга келинмоқда. Коммунал хизматлар билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликларни формасиз шахслардан кўра, одамлар билган ва таниган участка инспектори расмийлаштиргани маъқул. Инспекторлардан қўшимча вазифаларни олиш керак. Аммо ўз ҳудудидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар унинг бевосита вазифасига киради, — деди фракция раҳбари Алишер Қодиров.

— Амалдаги ҳужжатларда ички ишлар органларига қўшимча вазифаларни юклаш тақиқланган, — деди фракция аъзоси Фарҳодбек Ашматов. — Коммунал соҳадаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар билан шуғулланиш, асосан, профилактика инспекторлари зиммасига тушади ва бу менимча, адолатдан эмас. Биринчидан, улар бу борада мутахассис эмас, иккинчидан, улар зиммасига керагидан ортиқ вазифалар юкламаяпмизми?

— Лойиҳа тайёрланаётганда бу масалада кўп тортишувлар бўлди ва бу вазифани халққа яқин шахсга, яъни ўз ҳудудидаги одамларнинг иссиқ-совуғини яхши биладиган профилактика инспекторларига бериш керак, деган тўхтамга келинди, — деди Мажбурий ижро бюроси масъул ходими.

Аввалги фракцияда бўлганидек, депутатлар бу масалада ҳам бир тўхтамга кела олмадилар. Қонун лойиҳаси кўпчилик овоз билан қўллаб-қувватланди.

**Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси** аъзолари суд тизимидаги чуқур ўзгаришлар тўлиқ ўзида акс эттирилган, замон талабларига жавоб берадиган ҳамда суд соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган “Судлар тўғрисида”ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди.

Энг аввало, устувор аҳамият касб этадиган ўзгаришларга тўхталиб ўтилди. Хусусан, ташкилий-тузилмавий ўзгаришлар амалга оширилаётган суд тизимидаги асосий тамойиллар қайта кўриб чиқилиб, одил судловни амалга оширишда малакали юридик ёрдам, суд ҳужжати устидан шикоят қилиш ҳуқуқи каби янги асосий принциплар билан тўлдирилаётгани депутатлар томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланди.

Депутатлар мазкур қонун лойиҳаси қабул қилиниши суд тизимининг фаолият кўрсатиш тартибини ва судьялар мустақиллиги кафолатларини такомиллаштиришга, фуқароларнинг суд тизимига бўлган ишончи янада мустаҳкамланишига хизмат қилишини таъкидлади.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси** йиғилишида “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси муҳокама этилди. Унга кўра, қонуннинг 11-моддасига, яъни нотариал ҳаракатлар амалга оширилганда давлат божини тўлашдан озод этиладиганлар тоифасига — Ўзбекистон Республикаси ва чет давлатлар ҳудудида табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар, шу жумладан, маиший тусдаги офатлар (турар ва нотуражойнинг ёнғини ёки қулаши, транспорт воситасининг ёнғини) юз берганлиги оқибатида жабрланган жисмоний шахслар киритилмоқда. Уларга ҳужжатларнинг дубликатлари, кўчирма нусхалари ва нотариал ҳаракатларни рўйхатга олиш реестридан кўчирмалар давлат божисиз берилиши белгиланмоқда.

Фракция аъзоси Фирдавс Шариповнинг таъкидлашича, дунёда ҳеч бир инсон табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулодда вазиятлардан тўлиқ ҳимояланган эмас. Фуқаро ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда фавқулодда вазиятдан жабр кўрса, давлат уни ҳимоя қилиши зарур. Шу маънода, ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар фуқаролар, айниқса, кам даромадли юртдошларимиз манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга.

*Фракциялар йиғилишларида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.*

**Зиёда АШУРОВА**
**(«Халқ сўзи»).**

Ўзбекистон — Туркия:

# ПАРЛАМЕНТЛАРАРО МУЗОКАРАЛАР ЯКУНЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

←1

Шу билан бирга, Ўзбекистон раҳбари ўз видеомурожаатида кўтарган муаммолар кўлами ва уларнинг ечими бўйича таклиф этган ташаббуслар долзарблиги жиҳатидан жаҳон ҳамжамияти олдида нафақат ўз мамлакатининг етакчиси, айни пайтда юзага келган мураккаб глобал вазият ва унинг истиқболлари борасида аниқ тасаввурга эга халқаро миқёсдаги замонавий лидер сифатида намоён бўлганини ҳам билдириб ўтди.

Шу билан бирга, Туркия парламенти вакили Ўзбекистон раҳбарининг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқи билан шахсан яқиндан танишиб чиққанлигини, унинг тарихий аҳамиятга эга эканлигини эътироф этди. Парламентарийнинг айтишича, Ўзбекистон раҳбари томонидан юксак халқаро минбардан туриб ушбу соҳадаги устувор йўналишлар қаторида саналган ёшлар ҳуқуқлари ва гендер тенгликни таъминлаш борасидаги мақсад ҳамда вазифалар аҳоли мазкур қатламининг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва ишбилармонлик соҳасида фаоллигини оширишга хизмат қилади.

Парламентлараро алоқалар икки томонлама муносабатларнинг муҳим таркибий қисми саналади. Шу боис мулоқотимизда ушбу йўналишдаги ҳамкорликни давом эттириш ва кенгайтиришга ўзаро қизиқиш катта экани таъкидланди.

Турк томони, жумладан, Ўзбекистонда сиёсий-ҳуқуқий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларни амалий қўллаб-қувватлаш ҳамда парламент ва сиёсий партияларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида ролини мустаҳкамлашга йўналтирилган жараёнларда кўмаклашишга тайёрлигини билдирди.

Осман Местен фикрича, Ўзбекистон замини ислом илм-фани ва маданиятининг қадимий бешикларидан бўлиб, минтақамизда туғилиб ўсган буюк мутафаккирлар ислом илмлари билан бир қаторда, дунёвий фанлар ривожига ҳам улкан ҳисса қўшган. Уларнинг бой илмий-маънавий мероси ўзининг илмий аҳамияти билан ҳозирги даврда халқаро жамоатчилик томонидан кенг эътироф этилади ва юксак қадрланади.

Айни чоғда шу йилнинг 3 март куни Туркия пойтахти Анқара шаҳрида инсоният тарихи ва тамаддунида алоҳида ўрин тутган буюк шахслардан бири Муҳаммад ал-Хоразмий ёдгорлигининг очилиш маросими бўлиб ўтгани ҳақида сўзлаб берди. Суҳбатдош, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ҳузурида ташкил этилган Ёшлар парламенти фаолиятига катта қизиқиш билдираётганини маълум қилди.

Биз, ўз навбатида, турк парламентарийларига Ўзбекистонда шу йилнинг 12 августида Ёшлар ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференцияси ўтказилиши ва ушбу тадбирда қатнашиш учун Туркия парламентининг ёш аъзоларини таклиф этдик.

Музокара давомида мамлакатлар ўртасидаги дўстлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва парламентлараро ҳамкорликни ривожлантиришнинг истиқболлари ҳам қизғин муҳокама қилинди. Жумладан, видеоконференция шаклида “Парламентаризм истиқболи: Ўзбекистон ва Туркия тажрибаси” ёки “Зиёрат туризмини ривожлантириш истиқболлари: Туркия ва Ўзбекистон тажрибаси” мавзуида парламентлараро форум ўтказиш, икки мамлакат шаҳарлари ўртасида қардош шаҳарлар битимини имзолаш ишларини давом эттириш, халқаро ташкилотлар доирасида (Парламентлараро Иттифоқ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва ҳ.к.) ҳамкорлик олиб бориш ва бошқа масалалар юзасидан келишиб олинди.

Албатта, буларнинг барчаси икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш баробарида, парламентлараро муносабатларда ўзаро тажриба алмашишга хизмат қилади.

**«Халқ сўзи».**

# АҲОЛИ ОРАСИДА ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ ЕТАРЛИМИ?

←1

Бундан ташқари, “Ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишда инновацион технологияларни қўллаш” танлови илк бор ташкил қилингани ҳам ахборотда алоҳида тилга олинди.

Пандемия даврида @huquqiy_maslahat боти орқали фуқароларнинг 8 мингдан ортиқ саволларига ҳуқуқий тушунтиришлар берилган.

Ҳаётий муҳим масалалар юзасидан ҳуқуқий қўлланма қайта таҳрир қилиниб, 20 минг нусхада тарқатилган. 2 минг нусхада “Кўзи ожиз шахсларнинг ҳуқуқларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами” тайёрланган ва ўқувчиларга етказилган.

Шу билан бирга, ахборотда айрим вазирликлар ва давлат идораларининг ҳуқуқий тарғибот соҳасидаги муайян камчиликлари, ўз ечимини кутаётган муаммолари ҳамда фойдаланилмаётган имкониятлар ҳам мавжудлиги қайд этилди.

Адлия вазирлиги томонидан давлат ва ижро органларида ўтказилган ҳуқуқий тарғибот тадбирлари мониторинги натижаларига кўра Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитаси намунали, айни чоғда Транспорт вазирлиги ҳузуридаги “Ўзавиация” агентлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлигининг жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишлари қониқарсиз, деб топилган.

Шунингдек, Энергетика, Молия ва Инновацион ривожланиш вазирликлари, Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан амалга оширилган тарғибот тадбирлари ҳақидаги маълумотлар мониторинг қилиш учун Адлия вазирлигига белгиланган вақтда тақдим қилинмаганлиги қайд этилди.

Бугунги кунда жамиятимизда ҳуқуқий онг ошяптими, деб савол ўртага ташланса, сезиларли даражада ошяпти, деб айтишга тўлиқ ҳақлимиз. Буни ижтимоий тармоқлардаги очиқ муҳокамалардан, фуқароларимизнинг ўз позициясини эркин билдира олаётганлигидан ҳам кўришимиз мумкин. Бироқ, шундай бўлса-да, кўпчиликни қизиқтираётган, долзарб масалалар бўйича Халқ таълими вазирлиги, Давлат тест маркази, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан ўз вақтида ва етарлича муносабат билдирилмаяпти.

Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича олиб борилган ишлар таҳлили ҳам соҳада қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. Жумладан, мамлакатда аҳолини интернет тармоғи билан қамраб олиш кўрсаткичи пастлиги (атиги 51 фоиз аҳоли), интернет тезлиги паст даражада эканлиги, ТВ, радио каналлари орқали атиги 25 фоиз аҳоли маълумотлар олиши, мамлакатда бор-йўғи 620 та нашр фаолият кўрсатиши каби камчиликлар аҳолининг ҳуқуқий билимини оширишга тўсқинлик қилмоқда. Мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш мақсадида устувор йўналишлар ҳам белгиланди.

Хусусан, давлат хизматчиларининг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини баҳолаш тартиби жорий этилади. Унга кўра давлат ташкилотлари ходимлари ҳуқуқий билимларини ошириш бўйича ўқитилади ҳамда ҳар уч йилда автоматлаштирилган тизим орқали ҳуқуқий саводхонлик даражаси баҳолаб борилади.

“Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази таркибида Инновацион медиа марказ ташкил этилади. Ушбу марказ, қонун ҳужжатлари мазмунини содда, халқчил тилда етказувчи замонавий ахборот-таҳлилий медиа материалларини тайёрлайди ва тарқатади.

Мазкур масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг вазирлик, давлат идоралари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига аниқ вазифалар жамланган қарори қабул қилинди.

Мақсадимиз халқимизнинг ҳуқуқий маданияти юксалтириш, қабул қилинаётган қонунлардан хабардорлик даражасини оширишга эришишдан иборат. Чунки ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши таниган фуқароларгина кучли фуқаролик жамиятининг асоси бўла олади.

**Наримон УМАРОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг**
**Суд-ҳуқуқ масалалари ва**
**коррупциягақарши курашиш**
**қўмитаси раиси.**

**Парламент комиссияси**

# ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА

*Пойтахтимизда Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.*

Йиғилишда Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури, Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда ННТ ва фуқаролик жамиятларининг фаол иштирокини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Хусусан, 2021 йилда ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари дастур ҳамда лойиҳаларини Давлат бюджети мабалағлари ҳисобидан 75,8 миллиард сўм миқдорида қўллаб-қувватлашнинг долзарб йўналишлари кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, “учинчи сектор” субъектларининг дастур ва лойиҳаларига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар миқдори ўтган йилдагига нисбатан 1,9 баробар ошган. Жорий йил Давлат дастури доирасида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 5 та танлов ўтказиш орқали ННТ ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг 300га яқин лойиҳалари қўллаб-қувватланади.

Жумладан, юртимизда ёшларни маънавий етук қилиб тарбиялашда ҳамда улар бандлигини таъминлашда ижтимоий шерикликни кучайтириш мавзуида алоҳида танлов ўтказилади. Унда, айниқса, жойларда уюшмаган ёшларни жамиятга интеграция қилишда уларнинг қизиқиши, хоҳиш-истакларини рўёбга чиқариш, касбга йўналтириш, бандлигини таъминлаш, бўш вақтларини мазмунли ўтказишга урғу берилади.

Шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий онги, инсон ҳуқуқлари ва мулоқот маданиятини юксалтиришга жамоатчилик назоратини ташкил қилиш, жамиятда соғлом турмуш тарзи ҳамда аҳоли соғлиғини мустаҳкамлашда ННТ фаоллигини ошириш, миллатлараро бағрикенглик ва дўстлик муҳитини мустаҳкамлашда фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш, хорижий ҳамда маҳаллий оммавий ахборот воситаларида кенг тарғиб этиш мавзуларида ҳам давлат гранти танловлари уюштирилади. Ушбу йўналишлардаги лойиҳалар давлат грантлари шаклида 10 миллиард 600 миллион сўмга молиялаштирилади.

— Парламент комиссияси томонидан давлат органларининг Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондига берган буюртмалари кўриб чиқилди, — дейди Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси раиси Адҳам Шодмонов. — Таҳлилларга кўра, таълим, маданият, тиббиёт, экология, қурилиш, коммунал хўжалиги, бандлик ва бошқа соҳаларда очиқ танлов асосида аниқ муаммоларни ҳал этишга 25 та давлат ижтимоий буюртмасини 14,8 миллиард сўмга молиялаштириш бўйича қарор қабул қилинди. Белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичида фуқаролик жамияти институтларининг бутун тизимини ривожлантиришга, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини, ижтимоий шериклик самарасини юксалтириш, жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шаклларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Тадбирда Парламент комиссияси аъзолари томонидан йирик жамоат ташкилотларининг устав фаолиятини давлат субсидияси шаклида қўллаб-қувватлашга маблағлар тақсимланди.

Шунингдек, маҳаллий бюджетдан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларни қўллаб-қувватлаш жамоат фондларига 16 миллиард сўм маблағ йўналтирилмоқда. Бу ҳам қишлоқ жойларда ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда муҳим ўрин тутади.

Йиғилишда таъкидланганидек, шу йилнинг 26 мартидан 30 апрелигача давлат ижтимоий буюртмаси, “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” Давлат дастури ижросини таъминлашда ННТ лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш” ҳамда “Ёшларни маънавий етук қилиб тарбиялашда ҳамда бандлигини таъминлашда ижтимоий шерикликни кучайтириш” мавзуларида давлат грантларининг 1 ва 2-танловлари эълон қилинди. Умуман, жорий йилда давлат томонидан ННТ ҳамда ОАВнинг 800 та дастур ва лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларни амалга оширишда 3 мингдан ортиқ фуқаролик жамияти институтлари иштирокини таъминлаш кўзда тутилган.

Якунда кўриб чиқилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# НАМАНГАНДА СЕНАТОРЛАР МУРОЖААТЧИЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

←1

Наманган шаҳрида яшовчи биринчи гуруҳ ногиронлиги бўлган, 46 ёшли Марҳабо Абдуллаева кейинги икки йилда уй-жой сўраб жуда кўп идораларга мурожаат қилганини айтди. Бироқ унинг талаби турли сабаблар рўкач қилиниб, қондирилмай келинган. Сенаторлар томонидан ушбу мурожаат алоҳида ўрганиладиган ва иложи борича ижобий ҳал этиладиган бўлди.

Бир қатор мурожаат эгаларига эса кўтарган масалалари бўйича асослантирилган ҳуқуқий тушунчалар берилди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# КОЛЛЕЖ ВА МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ БИР БИНОДА ТАЪЛИМ ОЛИШГА МАЖБУР БЎЛМОҚДА

*Олий Мажлис Сенати Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Одилжон Иминов ҳамда сенатор Матлуба Ғаниева Андижон тумани аҳолиси билан учрашиб, уларнинг мурожаатларини ўрганди.*

Дастлаб мулоқотда тумандаги 52-умумий ўрта таълим мактаби биносиз қолганлиги боис собиқ Орол педагогика касб-ҳунар коллежига кўчирилганлиги хусусида сўз юритилди. Маълум қилинишича, ҳозирда мазкур коллеж яна фаолият олиб боряпти. Натижада мактаб ва коллеж ўқувчилари битта бинода таълим олишга мажбур бўлмоқда. Бу ҳақда мактаб жамоаси бир неча бор туман ва вилоят ҳокимлигига мурожаат қилган. Бироқ ушбу масала охиригача кўриб чиқилмаган.

Учрашувда мазкур масалани ҳал этишда амалий ёрдам сўралди. Ушбу ҳолат сенаторлар томонидан ўрганилиб, назоратга олинди.

Қолаверса, Андижон туманидаги “Мустақиллик” МФЙда яшовчи Р. Қодированинг мурожаати ҳам ўрганилди.

Маълум бўлишича, Р. Қодирова Андижон шаҳридаги Болалар шаҳарчасида ишлайди. Президентимизнинг тегишли қарорига асосан, шу ерда тарбияланаётган 5 нафар болани қарамоғига олган. Аммо уларни кийим-бош ва ўқув қуроллари билан таъминлашда моддий томондан қийинчилик сезаётир. Тутинган онага нафақа ҳам берилмаётгани аниқланди.

Мазкур масала юзасидан мутасаддилар жалб этилиб, уларга тегишли кўрсатмалар берилди ва ушбу мурожаат ҳам сенаторлар томонидан назоратга олинди.

**Саминжон ҲУСАНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ЎЗБЕКИСТОНДА ЛОГИСТИКА



## Унинг ривожланиш истиқболлари қандай?

1 Хуллас, ушбу атама дунё учун янгилик эмас, аксинча, анчагина таниш. Аста-секин "логистика" ва "логистик бошқарув" тушунчаси турли-туман мазмунлар билан тўйдирилган ҳамда ишлаб чиқариш ва товар муомаласининг турли соҳаларига кириб боради. Бунга ҳисоблашнинг энг янги усуллари, замонавий ҳисоблаш, ахборот технологиясининг кенг қўлланилиши ҳамда ишлаб чиқариш инфратузилмаси элементлари ва хўжалик юритиш интенсив усулларининг ўзаро ҳамкорликда ривожланиши таъсир қилган.

XX аср охирида логистика фани харид қилиш (таъминлаш), ишлаб чиқариш, сотиш (тақсимлаш), транспорт, ахборот логистикасини олувчи фанга айланган. Инсон фаолиятининг санаб ўтилган соҳалари етарлича ўрганилган ва тегишли адабиётларда баён қилинган. Логистик ёндашишнинг янгилиги эса санаб ўтилганлар ва фаолиятнинг бошқа соҳаларини исталган натижага оқимларни мувофиқ тўғри бошқариш йўли билан вақт ва ресурсларнинг энг кам харажатлари ёрдамида эришиш мақсадида интеграциялашдан иборатдир.

Шундай қилиб, логистика, аввало, истеъмолчиларга, уларнинг сўровларини кўпроқ қаноатлантиришга ҳаракат қилган ҳолда ишлайди. 1992 йил Стокгольмда Логистика Европа ассоциацияси халқаро симпозиумида "логистика" атамасининг умумқабул қилинган таърифининг ҳали йўқлиги таъкидланган. Бу ривожланишнинг яққол акс эттирилган динамикасига эга янги илмий йўналиш бўлганлиги сабабли ушбу тушунчанинг турли ифодаланиши таклиф қилинган.

Логистика фан ва бизнеснинг қуроли сифатида ўтган асрнинг 50-йиллари бошида, дастлаб АҚШда шакллана бошлаган. Унинг равнақи саноати ривожланган мамлакатлардаги бозор муносабатларининг тарихи ва эволюцияси билан чамбарчас боғлиқ.

Логистиканинг асосий мақсади ишлаб чиқарилган маҳсулотни вақтида ва зарур миқдорда белгиланган жойга энг кам харажат билан етказиб боришдир. Логистиканинг асоси интеграциялашувдан, товар ҳаракати жараёнининг қатнашчилари ва босқичларининг ўзаро ҳамжиҳатлигини таъминлашдан, зарур маҳсулотларни белгиланган жойга, сўралган вақтда кам харажат билан етказиб бериш мақсадида моддий оқимни, унга тегишли бўлган маълумотлар асосида бошқаришдан иборат. Логистик тизимда бўлиб ўтаётган ва ташқи муҳит билан ўзаро таъсирини характерловчи жараёнлар логистиканинг тузилишини амалий фаолият тури сифатида очиб беради.

### Имкониятлар майдони

Қайд этилганидек, ҳар бир мамлакат тараққиётида унинг географик жойлашуви муҳим ўрин тутади. Бу, айниқса, чет давлатлар билан савдо алоқаларини йўлга қўйиш, логистикани ривожлантиришда кўзга яққол ташланади. Бироқ бугунги кунда дунёнинг 44 мамлакати тўғридан-тўғри денгизга чиқиш имкониятига эга эмас. Бундай шароитда уларнинг ўзаро савдо алоқалари ривожланиши кўп жиҳатдан транзит салоҳияти, очиқ ва яхши қўшничилик муносабатининг йўлга қўйилгани, шунингдек, сиёсий хоҳишига боғлиқдир. Бу масалага Ўзбекистонда ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Ҳудудларни ўзаро боғлайдиган минтақавий инфратузилманинг йўқлиги, хусусан, юкларни чегарада расмийлаштириш ва ўтказишда вақтнинг йўқотилиши бугунги кундаги долзарб масалалардан бири саналади.

Жаҳон банки маълумотларига қараганда, денгиз бўйида жойлашган мамлакатларда бундай вақт ўртача икки баробар камдир. Бундан ташқари, юк ташувчилар у ёки бу чегарани кесиб ўтаётганда, қўшимча маъмурий тўловларни тўлашга ҳам мажбур бўлаётгани сир эмас. Ушбу ташкилот мутахассисларининг қайд этишича, денгизга чиқиш имкониятига эга бўлмаган мамлакатдан импорт қилинаётган юкларни етказиб бериш харажати уммонларга тўғридан-тўғри чиқа оладиган давлатларга нисбатан икки баробар кўпдир. Албатта, бу харажатлар охир-оқибат истеъмолчи зиммасига тушади.

Ҳаво орқали юк ташиш эса қиммат ва у денгиз орқали юк ташишнинг ўрнини боса олмайди. Шу билан бирга, авиаташувчилар томонидан юк ташиш қоида ва тартиб-таомиллари ҳар хиллиги, соҳага йўналтирилаётган трансчегаравий инвестиция ҳажми камлиги, хусусий секторнинг бу борада иштироки чеклангани унинг ривожига тўсқинлик қиляпти. Бундай ноқулайликлар оқибатида мамлакатларнинг экспорти, асосан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, минерал ресурслардан иборат бўлиб қолмоқда. Иқтисодий комплекс индекси (ECI) кўрсаткичлари ҳам буни тасдиқлайди. Унга кўра ҳозирги кунда бундай товарларнинг экспорт таркибидаги улуши 33 фоиздан 95,6 фоизгача етади.

Аёнки, Ўзбекистон денгизга чиқиш учун икки мамлакат чегарасини кесиб ўтиши керак. Боз устига, 1991 йилга қадар юртимиз Жанубий, Ғарбий ва Шарқий халқаро транспорт йўлакларига на автомобиль, на темир йўл, на ҳаво транспорти билан чиқиш имкониятига эга эди. Фақатгина шимолий йўлакдан фойдаланардик.

Мустақиллик йилларида замонавий йўл-транспорт инфратузилмасини шакллантириш, дунё бозорларига янги йўлларни очиш, чет мамлакатлар билан боғлайдиган илғор транспорт-коммуникация тармоқларини яратиш бўйича катта ишлар қилинди. Айниқса, иқтисодиётнинг асосий қон томири ҳисобланган ягона темир йўл тармоғини яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Узунлиги 700 километр бўлган ҳамда Амударё узра автомобиль ва темир йўл қатнови учун мўлжалланган замонавий кўприкни ўз ичига олган Навоий — Учқудуқ — Султон Увайстоғ — Нукус темир йўлининг барпо этилиши бу борадаги дастлабки қадам бўлди. Кейинроқ "Аср мўъжизаси" дея ном олган ноёб иншоот — Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўл линияси ишга туширилди. Узунлиги 223 километр бўлган мазкур қурилма юк ва йўловчи ташиш масофасини 170 километр қисқартирди. Энг муҳими, юртимиз транзит тўловларисиз ўзининг бу борадаги имкониятларини янада кенгайтирди.

Темир йўлчиларимизнинг куч-ғайрати билан кейинги йилларда 1 200 километрдан зиёд янги "пўлат из"лар ётқизилди, 3 800 километрлик йўл модернизация қилиниб, қайтадан фойдаланишга топширилди, қарийб 1 100 километрлик темир йўл магистраллари электрлаштирилди. Натижада темир йўлларнинг умумий узунлиги 6 500 километрга етди ва улар мамлакатимизнинг барча ҳудудини тўлиқ қамраб олиш имконини берди.

Таъкидлаш керакки, халқаро транспорт-коммуникация тизимида автотранспорт магистралларининг ҳам ўрни беқиёс. Ҳозирги кунда юртимиз автомобиль йўлларининг умумий узунлиги 183 минг километрни ташкил қилади. Улардан 42,6 минг километри халқаро, давлат ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган йўллардир.

Бугун республикамиздаги барча аэропортлар халқаро мақомга эга. Ўзбекистон ҳаво кемалари дунёнинг 50 дан ортиқ шаҳарларига авиақатновни амалга оширмоқда, Аляскадан тортиб, Янги Зеландиягача чартер рейсларини бажармоқда.

Сўнгги пайтларда минтақавий интеграцияни чуқурлаштириш, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги сиёсат юритилаётгани юртимиз учун транзит соҳасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, минтақа доирасида савдо алоқаларини кучайтириш, ягона қоидаларни жорий қилиш, чегара органлари ҳамкорлигини кенгайтириш, божхона тартиб-таомилини оптималлаштиришга замин яратмоқда.

Минтақада яхлит инфратузилмани шакллантириш йўлидаги бу саъй-ҳаракатлар савдо-сотиқ алоқалари фаоллашувида кучли рағбат бўляпти. Мисол учун, бугун Ўзбекистон ташқи савдода ресурсларга қарамликни камайтирган ҳолда, чуқур қайта ишлаб чиқаришни ривожлантиришга устувор эътибор қаратмоқда. Пахта хом ашёсининг ўрнига калава ип ва тайёр тўқимачилик маҳсулотлари экспортини йўлга қўйиш юзасидан аниқ вазифалар белгиланган. Юртимиз ресурсларидан оқилона фойдаланиш эса хом ашёдан кўра кўпроқ фойда келтириши ҳеч кимга сир эмас.

Мамлакатимиз ҳудудларида эркин иқтисодий зоналарнинг ташкил қилиниши самарали инфратузилмани шакллантириш йўлидаги амалий қадам бўлди десак, айни ҳақиқат. Жумладан, "Навоий" эркин иқтисодий зонасида "Навоий" аэропорти негизида халқаро интермодаль логистика маркази самарали фаолият юритмоқда. Бугунги кунда ушбу марказ Ўзбекистонни Евроосиёнинг асосий логистика марказлари — Франкфурт, Милан, Брюссель, Вена, Осло, Базель, Сарагоса, Дубай, Деҳли, Теҳрон, Инчеон, Тянь Цзинь, Ханой, Шанхай билан боғлаган.

2016 йилнинг июнь ойида Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлигининг йирик ҳамда истиқболли лойиҳаси — Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўли ҳамда Қамчиқ туннели фойдаланишга топширилди. Ушбу темир йўл тармоғининг қурилиши орқали мустақил Ўзбекистонда ягона ва яхлит темир йўл тизими шаклланиши амалда ниҳоясига етказилди. Ангрен — Поп темир йўлининг ишга туширилиши йилига 10 миллион тоннадан ортиқ юкларни манзилга етказишда ҳам вақтни, ҳам маблағни бир неча баробар тежаш, шунингдек, Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор суръатлар билан ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Энг асосийси, Ўзбекистоннинг транзит салоҳиятини тубдан оширади ва у келажакда халқаро транспорт коммуникациясининг муҳим таркибий қисмига, "Буюк Ипак йўли иқтисодий йўналиши" лойиҳаларидан бирининг узвий бўлагига айланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 6-7 март кунлари давлат ташрифи билан Туркманистонда бўлганида икки мамлакат раҳбарлари қўшма баёнот имзолади. Унда давлат раҳбарлари транзит соҳасида салоҳиятни юксалтиришга имкон берадиган ҳамда Туркманистон орқали Транскавказ транспорт йўлаги билан Жанубий ва Марказий Европа, Яқин Шарқ, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларига транзит юк ташиш ҳажмини бир неча маротаба кўпайтиришга қулай шарт-шароитлар яратадиган Туркманобод — Фараб" автомобиль ва темир йўл кўприкларининг очилишини юқори баҳоладилар. Барча иштирокчи давлатларнинг иқтисодий манфаатларига бир хил мос келувчи Ўзбекистон — Туркманистон — Эрон — Уммон халқаро транспорт йўлагини ривожлантириш бўйича келишувларни амалда татбиқ қилиш муҳимлиги алоҳида эътироф этилди.

Яратилган қулай шарт-шароитлар ва икки давлат ҳудудида ташқи савдо юкларини транзит ташишга 2017 йилда ўзаро преференцияларнинг тақдим этилиши транспорт коммуникациялари ва инфратузилмаларини самарали иш юкламаси билан таъминлаш, қолаверса, ташишларни янада ошириб бориш ва қўшимча юк ҳажмини жалб этишда ташкилотлар учун аниқ ва равшан истиқболларни белгилашга имкон бериши қайд этилди. Икки мамлакат ҳудуди орқали ўтадиган халқаро транспорт йўлакларининг рақобатдошлиги ва жозибадорлигини юксалтириш мақсадида, томонлар ташқи савдо юкларини транзит ташиш тарифларини янада мақбуллаштириш ва преференциал шарт-шароитлар тақдим қилишга йўналтирилган тизимли ўзаро манфаатли ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олдилар.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22-23 март кунлари Қозоғистон Республикасига амалга оширган давлат ташрифи доирасида Ўзбекистон Республикаси билан ушбу мамлакат ўртасида стратегик шерикликни янада чуқурлаштириш ва аҳил қўшничиликни мустаҳкамлаш тўғрисида қўшма декларация имзоланди. Унда Президентлар икки давлатнинг улкан транзит-транспорт салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда, ташқи бозорларга энг қисқа ва самарали чиқишни таъминловчи транспорт ва транзит йўлакларини ривожлантириш соҳасидаги икки томонлама ҳамкорликнинг устувор хусусиятини қайд этдилар. Бу борада томонлар ўз ҳудудларидан ташқи савдо юкларини транзит ташишда икки мамлакат темир йўл маъмуриятлари томонидан ўзаро преференциялар ва қўшимча чегирмаларнинг тақдим этилиши бу соҳадаги ҳамкорликни тубдан кенгайтиришга ҳамда транзит юкларнинг салмоқли ҳажмини жалб қилишга имкон беришини таъкидлашди. Томонлар "Бейнеу — Акжигит — Ўзбекистон чегараси" автомобиль йўли лойиҳаси, шунингдек, минтақа мамлакатларининг халқаро денгиз коммуникациялари ва салоҳиятли бозорларга муқобил чиқишини таъминлайдиган бошқа қўшма лойиҳаларнинг тез орада амалга ошишидан ўзаро манфаатдор эканликларини билдирди.

Давлат раҳбарларининг учрашувида қайд этилганидек, транспорт коммуникациялари соҳаси ўзаро ҳамкорликнинг яна бир устувор йўналиши ҳисобланади. Ҳар икки мамлакатнинг автомобиль ва темир йўллари ўзаро интеграциялашган. Бу муҳим коммуникация тармоғи учинчи давлатлар учун ҳам транзит вазифасини ўтамоқда. Қозоғистоннинг Мақтаарал тумани ҳудудидан ўтган Тошкент ва Самарқандни боғловчи автомобиль йўлининг очилиши, Тошкент — Олмаота тезюрар поезди ҳамда икки мамлакат шаҳарлари ўртасида автобус қатновининг йўлга қўйилгани транспорт коммуникациясини янада кенгайтиради, ҳудудлараро алоқалар, савдо ва туризм ривожига хизмат қилади.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳам мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий тараққиёт йўлида давлат ва минтақавий платформаларни ҳаётга жадал татбиқ этишдан манфаатдорлигини яна бир карра тасдиқлайди. Шуниси аниқки, денгизга чиқиш имконияти бўлмаган шароитда интеграциянинг муқобил йўлларини ўзлаштириш ўзининг долзарб аҳамиятини йўқотмайди.

### Яна қайси жиҳатларга эътибор қаратиш зарур?

Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиё минтақасида муҳим транспорт-коммуникация комплексини ривожлантириш ва халқаро транзит тизимига самарали интеграциялашувини таъминловчи муҳим геостратегик мавқега эга.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг экспорт юкларини халқаро бозорларга етказиб бериш 9 та йирик темир йўл коридори орқали амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтининг маълумотларида, республика транспорт-коммуникация тизими соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, Ўзбекистоннинг бу борадаги салоҳияти ҳақида сўз боради. Халқаро магистраль йўллар тармоғига уланадиган замонавий транспорт инфратузилма тизимининг яратилиши Ўзбекистон иқтисодиётини саноат-инновацион ривожлантириш бўйича олдинга қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун асосий шартлардан бирига айланмоқда.

Тан олиш керакки, ушбу соҳада ҳал қилинмаган қатор муаммолар бўлишига қарамасдан, мамлакат кўзланган режаларни амалга ошириш учун етарлича салоҳиятга эга. Шу билан бирга, кейинги йилларда Ўзбекистонда транспорт соҳасида ўтказилаётган инвестицион сиёсат туфайли:

а) мамлакат ЯИМда транспорт хизматларининг улуши жадал ўсмоқда — 2018 йилда бу 6,4 фоизни ташкил этди. 2000 йилдагига таққослаганда, транспорт хизматлари ҳажми 100 бараварда ортиқроққа ошди — 205,4 миллиард сўмдан 23,1 триллион сўмгача ўсди;

б) мазкур даврда йўловчи ташиш — 3,6 дан 5,8 миллиард кишигача ва юк ташиш ҳажми 1,5 баравар ошиб, 2018 йилда 1,2 миллиард тоннани ташкил этди;

в) 7 та логистика маркази ва 29 та юк транспорт базаси ташкил этилди. Яна 6 та логистика маркази қурилиш ва лойиҳалаштириш босқичида.

Соҳада давлат бошқарувининг ваколатли органи сифатида Транспорт вазирлиги ташкил этилди. Янги тузилма Транспорт тизимини ривожлантиришнинг ягона комплекс стратегиясини ишлаб чиқаришга қаратилди. Вазирлик тизимида илк бора 15 ходимдан иборат бўлган Логистика бўйича илмий марказ ташкил қилинди. Қайд этиш жоизки, глобал логистика тизими ривожланиши ва йўл-транспорт комплексини ташкил этиш ва бошқаришга бўлган талабнинг ўсаётганлиги ҳисобга олиниб, Транспорт вазирлиги ҳузурида автомобиль транспорти соҳасида кадрларни профессионал тайёрлаш ва қайта тайёрлаш институти очилди.

Ўзбекистон транспорт коммуникациялари бўйича 70 дан ортиқ халқаро конвенция, келишув ва икки томонлама шартномалар иштирокчиси ҳисобланади ҳамда уларни интеграциялаш бўйича қатор халқаро дастурларда қатнашади. Аксарият лойиҳалар халқаро ташувчилар ўтишига мўлжалланган 103 маршрут ўтадиган республика транзит салоҳиятини оширишга қаратилган.

Қолаверса, Ўзбекистон 2018 — 2022 йилларга мўлжалланган транспорт инфраструктурасини такомиллаштириш ва юк ташишнинг ташқи савдо йўналишларини диверсификация қилиш бўйича комплекс дастурни қабул қилди ва режали равишда амалга ошириб келмоқда. У миллий транспорт соҳасини халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ ривожлантиришни кўзда тутади.

Мазкур ҳужжатни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон темир йўл транспорти орқали ўз ҳудудидан ўтадиган экспорт юклари транспортировкаси тарифларини мамлакат ичидаги юклар даражасигача пасайтирди. Хусусан, Тожикистонга ўз ҳудудидан темир йўл орқали транзит қилишга 40 фоиз чегирмали махсус тарифни тақдим этди.

Ўзбекистон мамлакатнинг барча вилоятларини бир-бири билан боғлайдиган етарлича ривожланган темир йўл инфраструктурасига эга. Республикада темир йўл ва авиация транспортини ривожлантириш бўйича умумий қиймати 1,5 миллиард доллардан ортиқ қатор лойиҳалар амалга оширилди ҳамда жами узунлиги 695 километр автомобиль йўллари қурилди ва реконструкция қилинди.

Навоий — Учқудуқ — Султон Увайстоғ — Нукус (341 км.), Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон (223 км.) темир йўл линиялари қурилди, Тошкент, Самарқанд ва Қарши (484 км.) ҳамда Самарқанд — Бухоро (239 км.) ўртасида тезюрар поезд қатнови йўлга қўйилди. Узунлиги 124,4 километрлик Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўлидан кенг фойдаланиляпти. Бундай транспорт инфраструктураси Ўзбекистон орқали барча қўшни давлатларнинг темир йўлларига чиқишни таъминлайди.

Темир йўл инфратузилмасини яратиш ва ишга туширишда олинган тажриба Ўзбекистонга Афғонистон ҳудудида узунлиги 75 километрлик Ҳайратон — Мозори-Шариф темир йўлини қуришда жаҳон даражасига чиқиш имконини берди. Ўзбекистон келгусида Эрон ва Покистоннинг стратегик портларига чиқиш учун қўшни давлатнинг транспорт-логистика салоҳиятидан фойдаланишдан манфаатдор.

Ишончли лойиҳаларни амалга ошириш Ўзбекистон учун ўта муҳим аҳамият касб этади, зеро, у мамлакат учун Европа, Осиё ва Яқин Шарқ ўртасида транспорт-транзит ташувлари кесишувини боғловчи марказга айланишида реал имкониятларни очади. Шу нуқтаи назардан, Осиё — Тинч океани минтақаси давлатларини Европа ва Яқин Шарқ билан энг қисқа йўл орқали боғлайдиган Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой темир йўли қурилиши тўғрисидаги келишув сингари ушбу йўналишда ташланган муҳим қадам анча истиқболли кўринмоқда. 2017 йил охирида ушбу темир йўлнинг рентабеллик даражасини ўрганиш мақсадида Ўзбекистондан Хитойга Қирғизистон орқали юкларни автотранспортда етказиш бўйича янги савдо йўналиши очилди.

Ўзбекистон раҳбарияти 2017 йилда "Марказий Осиё транспорт ташувларини интеграциялашган бошқарув тизими"ни ташкил этиш ташаббуси билан чиқди. У транспорт тарифлари, ягона божхона ва бошқа жараёнлар, юк оқими хавфсизлигининг унификациялашган нормалари ҳамда транспорт воситалари ва юкларнинг ахборот таъминоти тизимининг ҳуқуқий ҳамда институционал асосларини яратишни кўзда тутади. Ушбу ғоянинг аҳамияти шундаки, бугунги кунда денгизга тўғридан-тўғри чиқа олмайдиган минтақа давлатлари экспорт қилинаётган маҳсулот қийматининг 70 — 80 фоизи транспорт-транзит харажатларига тўғри келмоқда. Шу билан бирга, божхона процедураларининг мукаммал эмаслиги натижасида ташувчилар маҳсулот транспортировкаси учун 40 фоизгача вақт йўқотмоқда. Жаҳон банки логистика самарадорлиги индексига кўра, Марказий Осиё давлатлари 167 та давлат орасида қуйи поғоналарда жойлашган бўлиб, бу минтақа транспорт сектори рақобатбардошлигини сезиларли равишда пасайтиради.

Шу боис мазкур ташаббуснинг ҳаётга татбиқ этилиши юкларнинг ишлаб чиқарувчидан истеъмолчигача етиб бориш ҳаракатини тезлаштиради ва арзонлаштиради. Шунингдек, Марказий Осиёнинг барқарорлигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий ривожланган минтақага айланиши, транспорт хизматлари бозорида рақобатбардошлиги оширишида муҳим роль ўйнаши мумкин.



Ўз навбатида, Марказий Осиёнинг қоқ марказида стратегик қулай жойлашган, анча диверсификациялашган ва изчил ўсаётган миллий иқтисодиётга эга янги Ўзбекистон минтақа давлатларининг йирик жаҳон бозорларига чиқишини таъминлайдиган замонавий транспорт-коммуникация йўналишлари тизимини шакллантиришда локомотивга айланиш учун катта имкониятларга эга.

### Концепция нималарни қамраб олади?

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда мамлакатимизда логистика хизмати бозорининг ўсиши ва яхшиланиши тенденцияси кузатилмоқда, транспорт инфратузилмаси ривожланмоқда, ҳудудий савдо ва транзит ҳажми ортмоқда.

Шу билан бирга, транспорт тизимининг мувозанатсизлиги салоҳиятли кадрлар етишмаслиги, соҳага инновацияларни жорий этиш бўйича ишчи гуруҳ тузилган. Бугунги кунда мазкур ишчи гуруҳи томонидан транспорт соҳасини 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилмоқда. Унга кўра кўрсатилаётган транспорт хизматлари сифати ва сонини ошириш юзасидан иш олиб бориляпти.

Ўзбекистон Президентининг "Юк ва йўловчи ташиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан, транспорт хизматини ташкил этиш мажмуини янада такомилига етказиш, мулкчиликнинг барча шаклидаги ташувлар учун рақобат муҳитини ҳамда қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, республиканинг транспорт-транзит салоҳиятини ошириш мақсадида 2019 йил 1 июлдан бошлаб халқаро ташишларда фойдаланиладиган тягач (шатакчи) автомобилларга лицензия карточкалари берилиши учун давлат божини тўлаш тартибини, автомобиль транспортида юк ташиш учун фойдаланиладиган тиркама ва яримтиркамаларни бекор қилиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилди.

"Автомобиль транспортида юкларни халқаро ташишни янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент қарорига мувофиқ эса маҳаллий ва чет элда ишлаб чиқарилган катта юк автотранспорт воситалари, тиркамалар ва яримтиркамаларни сотиб олишда миллий ташувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартиби жорий этилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда автомобиль транспорти соҳасида ҳуқуқий асослар шакллантирилиб, такомиллаштирилмоқда. Булар автомобиль транспорти соҳасидаги ислоҳотларнинг амалга оширилишида пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Жаҳон савдо ташкилотининг маълумотларига кўра, умумжаҳон хизмат кўрсатиш ҳажмида логистика хизматларининг улуши 21,6 фоизни ташкил этади. Логистика хизматлари бозорининг ўзига хос хусусиятлари уни оптималлаштириш жараёнига ҳам ўз таъсирини ўтказади. Фикримизча, транспорт хизматлари бозорини оптималлаштириш нафақат соҳа корхоналари манфаатлари нуқтаи назаридан ижобий самарадорликка эришиш, балки умумиқтисодий самарадорликни назарда тутувчи мақсаднинг кузатилишида муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун эса юртимизда жуда кўп имкониятлар эшиги очилмоқда. Айниқса, "Бир макон, бир йўл" мегалойиҳаси доирасида мамлакатимизнинг транспорт-коммуникация инфратузилмалари имкониятларини оширишга қаратилаётган эътибор, Туркманистон, Эрон, Қозоғистон, Россия, Озарбайжон ва Грузия ҳудудларидан асосий экспорт юкларини транзит шаклида ташишда преференцияларга эга бўлиш ҳақида ўйлаб кўрилаётгани диққатга сазовор. Зеро, логистикани ривожлантирмай туриб миллий маҳсулотларимизнинг жаҳон бозорларига чиқишига кенг имкон ярата олмаймиз. Бунинг учун эса соҳага янги инновацияларни жорий қилиш, янги ташкил этилаётган эркин иқтисодий зоналарни, логистик марказларни янги техника ва технологиялар билан жиҳозлаш ҳамда малакали ёш кадрларни ишга жалб қилиш зарур.

Шундай экан, юртимизда логистик фаолиятни амалга оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш, корхонада логистик фаолият ва логистик хизматнинг ўрни ва аҳамиятини янада ошириш мақсадида кластерли ёндашувдан фойдаланиш, мамлакатимизда ягона логистик тизим — хаб ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, Ўзбекистоннинг халқаро логистика транспорт тизимига интеграциясини жадаллаштириш мақсадида, халқаро транспорт ва коммуникация лойиҳаларида доимий иштирокини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

**Якутхон КАРРИЕВА,**
**иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.**

ЭЪЛОНЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази**

**Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари суд экспертларини қайта тайёрлаш курсларида ўқитиш учун ҳужжатларни қабул қилади.**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари суд экспертлари (кейинги ўринларда суд экспертлари деб юритилади)ни қайта тайёрлаш курсига **2021 ўқув йили** учун қабул қилиш муддати **2021 йил 10 апрелга** қадар узайтирилганлигини маълум қилади.

Талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

— марказ директори (комиссия раиси) номига ариза (аризада талабгорнинг қайси тилда таълим олиш истаги кўрсатилади);
— паспорт нусхаси;
— маълумоти тўғрисидаги диплом нусхаси;
— 3,5х4,5 см. ҳажмдаги икки дона фотосурат;
— нодавлат суд-экспертиза ташкилоти номидан тавсиянома (агар талабгор юридик шахс ходими бўлса).

Ҳужжатларни Республика суд экспертизаси марказига келиб ёки почта ёхуд info@sudex.uz электрон почта орқали сифатли (кўринарли, яхши ўқиладиган) даражада тақдим қилишлари (суҳбат жараёнида ҳужжатларнинг асли кўрсатилади) лозим.

Қабул комиссияси томонидан (ўзбек ёки рус тилида) суҳбат **2021 йил апрель ойининг иккинчи ўн кунлигида** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази биноси (Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Фарғона йўли кўчаси)да ўтказилади.

Ўқиш муддати олти ойдан (24 ҳафта) кам бўлмаган муддатда ташкил этилади.

Ўқиш учун тўлов миқдори ўқув жараёни анъанавий таълим шаклида бўлиб ўтганда, амалдаги базавий ҳисоблаш миқдорининг 45 (қирқ беш) баравари миқдорида, масофавий таълим шаклида ташкил этилганда эса, базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 (қирқ) баравари миқдорида амалга оширилади.

**Қўшимча маълумотлар учун телефон: 71-209-11-55 (ички 149).**
**Электрон манзил: info@sudex.uz**

Қабул комиссияси.

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**қуйидаги кафедраларнинг профессор-ўқитувчилар лавозимларига шартнома асосида танлов эълон қилади:**

1. **Информатика, автоматлаштириш ва бошқарув кафедраси:** доцент, катта ўқитувчи, ассистент;
2. **Ноорганик, аналитик, физикавий ва коллоид кимё кафедраси:** доцент, катта ўқитувчи;
3. **Нефть-газни қайта ишлаш кимёвий технологияси кафедраси:** доцент, катта ўқитувчи, ассистент;
4. **Ноорганик моддалар кимёвий технологияси кафедраси:** катта ўқитувчи, ассистент;
5. **Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси кафедраси:** катта ўқитувчи, ассистент;
6. **Органик кимё ва асосий органик синтез технологияси кафедраси:** доцент, катта ўқитувчи, ассистент.

**Қуйида кўрсатилган кафедраларга босқичма-босқич ўтиши маълум қилинади.**

1. **Озиқ-овқат саноати машина ва жиҳозлари – механика асослари кафедраси:** доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи, ассистент;
2. **Юқори молекулали бирикмалар ва пластмассалар технологияси кафедраси:** доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи, ассистент;
3. **Целлюлоза ва ёғочсозлик технологияси кафедраси:** доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи, ассистент;
4. **Силикат материаллар ва нодир, камёб металлар технологияси кафедраси:** доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи, ассистент;
5. **Физика ва электротехника кафедраси:** доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи, ассистент;
6. **Гўшт, сут ва консерва маҳсулотлари технологияси кафедраси:** доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи, ассистент;
7. **Кимёвий технологик жараён ва қурилмалар кафедраси:** доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи, ассистент;
8. **Саноат иқтисодиёти ва менежменти кафедраси:** доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи, ассистент;
9. **Ижтимоий-сиёсий фанлар кафедраси:** доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи, ассистент.

**Юқоридаги лавозимларга тегишли номзодлардан ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.**

**Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 32-уй, ходимлар бўлими.**
**Телефон: 71-244-79-31.**



# ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ ВА РОЗИЛИГИ – ПИРОВАРД МАҚСАДИМИЗ

*Ҳар бир фуқаронинг эл-юрт олдидаги мажбуриятлари бор. Бу гап турли ташкилот ва идоралар мутасаддиларига қарата айтилса, янада тўғри бўлади, назаримда. Сабаби ҳар бир тузилманинг ўз йўналиши, аниқ вазифалари, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш йўлида амалга ошириладиган мақсадлари бўлади. Уларнинг ижросига тааллуқлилиги бўйича раҳбар-ходимлар масъулдир.*

*Биргина энергетика соҳасини олайлик. Кейинги йилларда мамлакатимизда аҳолини электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш масалалари устуворлик касб этяпти. Пировардида, одамларнинг йўли ҳам, юзи ҳам, хонадони ҳам ёруғ.*

*Бир эслаб кўринг, яқин-яқингача, аниқроғи, бундан 5-6 йил аввал одамларнинг уйида соатлаб "чироқ" бўлмасди. Олис маҳалла ва қишлоқлардаги вазиятни-ку гапирмай қўяверинг. Кунига атиги 1-2 соат "свет" берилишига фуқаролар кўникиб ҳам кетганди. Очиғи, узоқ йиллар давомида халқимиз "қоронғилик"дан қийналиб яшади. Нега? Сабаби оддий: соҳа ишларида аниқ ва яхлит механизм йўқ эди. Электр таъминотини яхшилашга ҳеч ким бош қотирмаган, тизимда коррупция газак олган, умуман, тармоқ фаолияти бутунлай издан чиқиб кетганди.*

*Бугун-чи? Бугун давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан соҳада улкан ўзгаришлар рўй берди, ушбу йўналишда қисқа фурсатда рўёбга чиқарилган ислоҳотлар эпкини халқимизга ишонч берди, нур берди, қайта ҳаёт бағишлади, деб бемалол айта оламиз. Бунда, табиийки, Президентимиз томонидан қабул қилинаётган қатор ҳуқуқий ҳужжатлар ва унинг самарали ижроси муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.*

**Энергетика**

## Тараққиётни кўзлаб қўл урилаётган хайрли ташаббуслар

Соҳадаги ислоҳотлар ҳақида сўз юритиш худди баландпарвоз гапдек туюлиши мумкиндир, аммо бу — ҳақиқат. Бугун ҳаммамиз ҳам тармоқдаги янгиланишларни кўриб, гувоҳи бўлиб турибмиз.

Тўғри, ҳали олдимизда электр энергияси таъминоти, уни янада ривожлантириш борасида қилиниши лозим бўлган жуда катта ишлар, марралар турибди. Лекин шу билан бирга, эришилган ютуқларни ҳам тилга олмасак, бу адолатдан эмас.

Фикримни "Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" акциядорлик жамиятида ушбу йўналишларда олиб борилаётган ишлар, ўтган йили эришилган ютуқлар ва муаммолар ҳақида давом эттирсам.

Ушбу даврда 2020-2021 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик борасида тадбирлар асосий диққат марказимизда бўлди, десак, адашмайман.

Боиси мазкур йўналиш бўйича ўтказилган бир қатор видеоселектор йиғилишларида олдимизга аниқ вазифа ва топшириқлар қўйилди, унинг ижроси, қолаверса, аҳолини рози қилиш борасида ўзимизнинг "Йўл харита"мизни ишлаб чиқдик. Бунда, аввало, вилоятдаги электр энергияси таъминоти етарли бўлмаган маҳалла ва қишлоқлар масаласига урғу берилди.

Рақамларга тўхталадиган бўлсак, ҳисобот даврида 4,3 миллиард кВт/соат электр энергияси, шундан 2 миллиард кВт/соати аҳолига ҳамда 2,3 миллиард кВт/соати улгуржи истеъмолчиларга етказиб берилди. Албатта, мазкур йўналишдаги ишларимиз бир зум ҳам тўхтаб қолмаслиги керак. Зеро, одамларимизга "чироқ" ниҳоятда зарурлигини жуда яхши тушунамиз.

## Маънан эскирган ускуналардан — янги технологияларга

Халқимиз орасида "Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлар", деган ибора кенг тарқалган. Бу бежиз айтилмаган, албатта. Ҳар қандай устанинг қуроли соз бўлмаса, ишида унум йўқолади.

Худди шундай маънан эскирган ускуналар ҳам турли ноқулайликларни келтириб чиқаради. Айниқса, бу ҳолат электр узатиш линиялари билан боғлиқ бўлса, масала оғир, деяверинг.

Сир эмас, ҳозирги кунда вилоятимиздаги жами электр ускуналарининг 41,4 фоизи маънан ва жисмонан эскирган. Жумладан, турли кучланишга эга бўлган 10 725,66 км. узунликдаги электр узатиш тармоқлари, 4 минг 780 та трансформатор пунктидан қирқ йилдан кўп вақтдан бери фойдаланиб келинмоқда. Биргина Самарқанд шаҳри мисолида оладиган бўлсак, 0,4 — 10 кВ электр узатиш тармоқларининг 41,6 фоизи, шунингдек, 6 — 10/0,4 кВ трансформатор пунктларининг 36,4 фоизи ўз умрини ўтаб бўлган ускуналар ҳисобланади.

Бугунги давр талаби мутлақо ўзгача, яъни барча ишимиз янги технологиялар, янгича ишлаш, янгича ёндашув, янгича дунёқараш, янгича тизимга асосланмоқда. Шундай бўлмаса, ҳеч бир соҳада ривожланиш кузатилмаслиги кундек равшан.

Шу маънода, барча соҳа ва жабҳаларда бўлгани каби биз ҳам тармоқдаги эскирган асбоб-ускуналар ўрнига замонавий технологияларни жорий этяпмиз ва бу борада ишлар тобора жадал тус олаётир. Бунинг натижасида электр узатишдаги йўқотишлар ҳамда ортиқча сарф-харажатларнинг олди олинмоқда. Бу миллионлаб маблағни иқтисод қилиш имконини бераётир. Табиийки, буям иқтисодий тараққиёт ва халқ фаровонлигини таъминлашга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Бугунги кунда самарқандлик истеъмолчиларга Навоий, Сирдарё ва Толимаржон иссиқлик электр станциялари, ҳудудлардаги 138 та турли кучланишга эга нимстанция ҳамда ресурс узатишга ихтисослаштирилган махсус трансформаторлар орқали электр энергияси етказиб берилаяпти.

Ўтган йили қуввати 0,4-6-10 кВ бўлган 2676,0 км. электр узатиш тармоғи ҳамда 788 та трансформатор пункти мукаммал таъмирланган бўлса, 5534,0 км. электр узатиш тармоғи ва 1 минг 575 та трансформатор пункти жорий таъмирланди. Шунингдек, қуввати 35 — 110 кВ бўлган нимстанцияларда саккизта куч трансформатори ҳамда 38 та ўчиргич қурилмаси таъмирланиб, 122 та куч трансформатори ва 81 ўчиргич жорий таъмирланди.

## Электр тармоғида узилишларга йўл қўйилмайди

Яна бир муҳим жиҳат, бу — куз-қиш мавсумига тайёргарлик масаласидир. Мазкур даврда ҳаво ҳарорати тушиб кетиши сабабли қатор муаммолар келиб чиқади, яъни электр тармоғида узилишлар кузатилади. Шу боис ушбу мавсумни беталафот ўтказиш, айниқса, "свет" ўчишининг олдини олишга оид тадбирлар алоҳида дастур асосида ташкил қилинади.

Вилоятимизда 2020-2021 йиллар куз-қиш мавсумида 76 та фойдаланиш-таъмирлаш ва 24 та тезкор чиқув бригадалари ташкил қилиниб, ўттизга яқин авариявий чиқиш машинаси билан таъминланди.

Жамиятимиз томонидан 2020 йилнинг ноябрь ойида "Энерго РЭС" МЧЖдан 15 км. турли ўлчамдаги сим, 35 км. кабель маҳсулотлари ҳамда 285 дона кабель муфтаси, 150 та ажраткич, 17 та турли қувватдаги замонавий тармоқ трансформатор ва 33 дона трансформатор пункти олиб келингани мавсумни кўнгилдагидек ўтказишда муҳим аҳамият касб этди.

Албатта, шу билан чегараланмаган ҳолда, қўшимча захираларни яратиш ҳам эътиборимизда бўлди. Шу боис жойларда қарийб ўттизга яқин тармоқ трансформаторлари, ўн олти тоннадан зиёд трансформатор мойи, салкам беш километрли ҳар хил ўлчамдаги симлар, олти километрдан ортиқ кабель маҳсулотлари, шунингдек, 250 дона кабель муфталаридан иборат захира шакллантирилди. Бу эса фаолиятимиз самарадорлигини ошириш билан бирга, юзага келган муаммоларни тезкорлик билан бартараф этиш имконини берди, десак, айни ҳақиқат.

Президентимизнинг 2020-2021 йилларда куз-қиш мавсумини беталафот ўтказиш юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган аниқ вазифалардан келиб чиқиб, вилоятимиздаги туман ҳамда шаҳарлардаги электр таъминоти энг оғир бўлган маҳаллалар ўрганиб чиқилди ва қўшимча чора-тадбирлар белгиланди. Улар асосида саккизта нимстанция, 80 тага яқин трансформатор пунктлари ҳамда 42,3 км. узунликда юқори кучланишли 35 — 110 кВли ҳамда 106,6 км. узунликда паст кучланишли 0,4 — 10 кВ электр узатиш тармоқларида таъмирлаш ишлари олиб борилди. Бу саъй-ҳаракатлар туфайли истеъмолчилар хонадонлари-



да электр таъминоти бўйича узилишга йўл қўйилмади.

Тўғри-да, аҳолига энг керакли ресурс, бу — электр энергияси. Бу бўлмаса, ишда унум, одамларда эса кайфият тушади. Буни, айниқса, олис қишлоқлару чекка-чекка маҳаллаларда яшаётганлар жуда яхши билишади.

Шу билан бирга, иш фаолиятимиз давомида кучланиш билан ишлаётган фидерларнинг юкламасини камайтиришга ҳам жиддий аҳамият қаратилмоқда. Шу мақсадда Самарқанд шаҳридаги Садриддин Айний номидаги, "Қавола", "Намозгоҳ" маҳалла фуқаролар йиғинларида таъминотни яхшилаш бўйича ҳудуд атрофида 35/10 кВли нимстанция қурилиши учун салкам 5 километр узунликда кабель тармоғи ётқизилди. Бунинг учун 5,7 миллиард сўм маблағ сарфланди. Айни пайтда ушбу маҳаллаларда энергия таъминотини яхшилаш борасидаги тадбирлар давом эттириляпти.

## Одамлар ёруғликсиз қолмаслиги учун аниқ режа зарур

Бугун қай бир манзилга борманг, у ерда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўласиз. Худди шундай Самарқанд вилоятида ҳам катта ҳажмда қурилиш тадбирлари олиб боріляпти. Кўп қаватли тураржойлар, турли ижтимоий объектлар ҳудуд кўркига кўрк бўлиб қўшилаётир.

Албатта, уларни зарур инфратузилмалар билан таъминлаш масаласи устуворлик касб этади. Жумладан, хонадонларни, турли объектларни электр энергияси билан таъминлаш эса бизнинг асосий вазифамиздир.

### 2020 ЙИЛДА ТАРМОҚЛАРНИ ЯНГИЛАШ ВА РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ ТАДБИРЛАРИ ДОИРАСИДА:

— **585,3 км.** электр узатиш тармоғи ва **306 дона** трансформатор пункти янгиланди;

— **5179 дона** янги темир-бетон таянч устуни ўрнатилди;

— қуввати **35 — 110 кВт** бўлган нимстанцияларда жамият ўз маблағи ҳисобидан **8 та** янги куч трансформаторлари катта қувватлисига алмаштирилди. Натижада **75,6 мегаватт** қўшимча қувват захираси яратилиб, уч юзга яқин маҳаллаларда электр энергияси таъминотидаги сифат ошди;

— «Ургут» эркин иқтисодий зонасининг «Ургут-1», «Ургут-2», Иштихон туманидаги «Ишонч», Самарқанд шаҳридаги «Шарқий» нимстанцияларидаги трансформаторлар юқори кучланишлисига алмаштирилди.

Сир эмас, хонадонлар сони ортиб боришига қараб, трансформаторларни юқори қувватлисига алмаштириш ёки қўшимча линияларни улаш талаб этилади. Акс ҳолда, электр узатувчи ускуналарнинг кучи етмай қолиб, ишдан чиқиши, бунинг натижасида аҳоли узоқ вақт "свет"сиз қолиши мумкин. Шундай пайтда аҳолида ҳақли равишда эътирозлар пайдо бўлиши табиий, албатта. Мана шундай ҳолатлар юзага келмаслиги учун олдиндан режа асосида ишни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ.

Мисолларга тўхталадиган бўлсак, биргина Самарқанд шаҳридаги Мотруд қўрғонида 147 та кўп қаватли уйлар қурилди. Ушбу тураржойларни электр энергияси билан таъминлаш мақсадида 16000 кВА трансформатор ҳамда барча керакли электр қурилмалари ўрнатиб берилди. Қарийб 10 километр узунликда ҳаво электр узатиш тармоғини ишга тушириш бўйича қурилиш-монтаж ишлари олиб боріляпти.

Бошланган ушбу хайрли тадбирларни тез орада якунлаб, халқимизга узлуксиз электр энергиясини етказиб беришни мақсад қилганмиз. Албатта, бундай далилларни нафақат шаҳарда, балки туманлар, қишлоқлар мисолида ҳам яна кўплаб келтириш мумкин.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Давлатимиз раҳбарининг "2017 — 2021 йилларда паст кучланишли электр тармоқларини янада модернизация қилиш ва янгилаш дастури тўғрисида"ги қарорига асосан Самарқанд вилояти бўйича 922,7 км. электр узатиш тармоғини реконструкция қилиш, 272 комплект қўшимча трансформатор пункти ўрнатиш режалаштирилган.

Шундан 585,3 км. тармоқ таъмирланиб, 306 комплект қўшимча трансформатор пункти ўрнатилди. Жорий йилда 1 минг 159 км. тармоқ реконструкция қилиниши билан бирга, 309 комплект қўшимча трансформатор пункти ўрнатилади.

## АСКУЭ тизимининг афзалликлари нимада?

Бугунги даврни рақамлаштиришсиз тасаввур қилиш қийин. Чунки айни пайтда соҳага илғор технологияларни қўлламасдан туриб муваффақиятга эришиш мушкул. Буни ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Худди шундай, энергетика соҳасида ҳам илғор технологияларни қўллаш, уларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш вақти аллақачон келган.

"Ёқилғи-энергетика соҳасида ўзаро ҳисоб-китобларни янада такомиллаштириш ва молиявий барқарорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Хусусан, электр энергияси, табиий газ ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги дебитор ва кредитор қарздорликни қисқартириш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, шунингдек, ушбу соҳада молиявий интизомни янада мустаҳкамлаш мақсадида бир қатор лойиҳалар амалиётга татбиқ этилди.

Жумладан, Электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимига (АСКУЭ) ўтган йилнинг якунига қадар умумий абонентлар сонини тўлиқ қамраб олиш вазифаси қўйилган эди. Мана шу жараёнда вилоятимизда ҳам аниқ режа-дастур ишлаб чиқилди ва истеъмолчиларни ушбу тизимга улаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Айни шу мақсадда "Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" акциядорлик жамияти томонидан вилоят бўйича жами 825 минг 464 та электр ҳисоблагич ўрнатиш режалаштирилган бўлиб, бугунги кунга қадар 672 минг 434 та истеъмолчидаги мавжуд электр ҳисоблагичлар янгисига алмаштирилди.

Бу борадаги ишларни тез ва сифатли амалга ошириш мақсадида юзлаб мутахассислар жалб этилиб, ўтган йилнинг ўзида Самарқанд шаҳри, Пахтачи, Каттақўрғон ҳамда Пастдарғом туманларида белгиланган ишлар деярли тўлиқ якунланди. Қолган ҳудудларда эса бу жараён изчиллик билан давом эттирилмоқда.



Таъкидлаш керакки, ҳисоблагичларни янгилаш "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ маблағлари ҳисобидан тўлиқ бепул амалга оширилмоқда. Янги ҳисоблагичлар аввалгиларидан кўра анча кўп функцияларни бажара олиши билан алоҳида ажралиб туради. Айни чоғда ускуналардаги маълумотларни сохталаштириб бўлмайди.

Энг муҳими, ушбу ҳисоблагич дифференциал тарифлар бўйича ҳам ҳисоб-китоб қилиш функциясига эга. Яъни ривожланган мамлакатлардагидек, тиғиз ва эркин пайтларда электр энергияси тарифлари алоҳида-алоҳида белгиланганида, ушбу ҳисоблагичлар уларни аниқ ҳисоблаб бориши мумкин. Бу истеъмолчилар томонидан энергиядан тежаб фойдаланиш, тиғиз пайтда юкламаларни камайтириш имкониятларини тақдим этади.

Ушбу ҳисоблагичлар электр таъминоти корхонаси томонидан 10 йилда бир маротаба қиёсловдан ўтказилиши ҳам унинг қулайликларидан биридир.

## «Спортни сев, спорт билан яша!»

Ким бўлишдан қатъи назар, у хоҳ ишчи-хизматчи, хоҳ мансабдор, хоҳ оддий фуқаро бўлсин, аввало, спортга ошно тутиниши керак. Бунга изоҳ беришнинг эса ҳожати йўқ, албатта. Барчага яхши маълумки, спорт билан шуғулланиш — соғлом ҳаёт, соғлом оила, соғлом жамият, дегани.

Шундан келиб чиқиб, жамоамиз билан биргаликда турли спорт турлари бўйича мусобақалар ташкил этиб турамиз. Айниқса, футбол, волейбол, стол тенниси, югуриш, турникка тортилиш каби соғлом турмуш тарзи бўлган спорт турлари бўйича беллашувлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бунинг учун эса имкониятларимиз ҳам етарли.

Биргина мисол. Яқинда ишчи-ходимларимиз ўртасида футбол бўйича спорт мусобақасини уюштирдик. Унда "Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" акциядорлик жамияти ходимларидан иборат жамоа билан бирга, туман ва шаҳар электр таъминоти корхоналари вакиллари қатнашди.

Мусобақа жуда қизғин ўтди. Якунга кўра, "Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари" акциядорлик жамиятининг футбол жамоаси 1-ўринни, Булунғур тумани электр тармоқлари корхонаси 2-ўринни, трансформаторларга техник хизмат кўрсатиш бўлими жамоаси эса 3-ўринни эгаллади. Ғолиблар жамиятимиз томонидан муносиб рағбатлантирилди.

Бу нима беради? Ишчи-ходимларга мотивация беради, шу билан бирга, уларда соғлом турмуш тарзига интилишни оширади. Кенг жамоатчилик ўртасида жисмоний тарбия ва оммавий спортга бўлган қизиқиш ортади. Фаолиятимизда ана шундай муҳим жиҳатларга ҳам эътибор қаратиш алоҳида ўрин тутади.

## Маънавият — ҳар қачонгидан муҳим

Маънавиятсиз ҳеч қандай ўсиш ҳам, ривожланиш ҳам бўлмайди. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Шу боис иш фаолиятимизда ушбу тамойилга қатъий амал қилишга интиламиз. Чунки ким қайси соҳада ишламасин, аввало, ўз маънавияти, хулқи, муомаласи, юриш-туриши ва одоб-ахлоқи билан бошқаларга ўрнак бўлиши керак. Айниқса, халқ орасида бўлиб, фуқаролар билан тез-тез мулоқотга киришадиган энергетика корхоналари ходимлари ҳам бунга риоя қилишлари зарур.



Акциядорлик жамиятида маънавият соатлари мунтазам ўтказиб келинади. Ушбу тадбирларда маънавият тарғиботчилари, соҳа фидойилари, тиббиёт, маҳалла, таълим муассасалари вакиллари, ўқитувчи-профессорлар ўз маърузалари, фикр-мулоҳазалари билан иштирок этади, ўз ҳаётий тажрибалари билан ўртоқлашади.

Энг муҳими, ушбу йўналишда қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти, Президентимиз раислигида ўтказилган йиғилишларда маънавий-маърифий соҳада кўтарилаётган муҳим масалалар хусусида давра суҳбатлари, учрашув ва мулоқотлар уюштирилиб, ходимларга зарур тушунчалар бериб келинаётгани ўз самарасини бермоқда.

Хусусан, давлатимиз раҳбари раислигида шу йилнинг 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтиришга бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида ғоятда муҳим масалалар кўндаланг қўйилди. Биз ҳам ушбу йиғилишда белгилаб берилган долзарб муаммолардан келиб чиқиб, ходимларимиз ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида учрашув ташкил этдик. Бу тадбирлар эса иш фаолиятимизда қўл келаётгани янада эътиборга молик.

Бундай йўналишдаги саъй-ҳаракатларни янада кучайтирамиз. Зеро, маънавияти юксак халқнинг эртаси порлоқ бўлишига асло шубҳа йўқ.

Яна бир муҳим масала — "Устоз — шогирд" анъанасини тизимли равишда йўлга қўйиш. Негаки, соҳага эндигина кириб келаётган ёш кадрларга илк кўникмаларни бериш, уларга ишни ташкил этиш юзасидан билимларини ошириб боришда ҳикмат кўп.

Шундай экан, айни йўналишга ҳам алоҳида эътибор қаратяпмиз ва бу ўз натижаларини бермоқда. Масалан, жамиятимиз томонидан режа асосида ҳудудларга чиқиб, ишчи-ходимлар иштирокида ўқув-машғулотлар, семинар-тренинглар ўтказиш яхши анъанага айланган.

Машғулотларда ёш кадрларнинг кабель тармоқларининг техник ҳолати, электр узатиш линияларини таъмирлаш, улардаги носозликларни бартараф этиш, изоляторларни тозалаш, коммутацион ускуналарни ечиб олиш ҳамда ўрнатиш ва бошқа соҳага оид билим ҳамда кўникмалари оширилади. Бу эса, шубҳасиз, келгусида улардан ўз йўналиши бўйича малакали кадрлар етишиб чиқишига пухта замин бўлади.

## Марралар баланд, мақсадлар эзгу

Кейинги йилларда дунё ҳамжамиятида "Янги Ўзбекистон" таърифи кенг қўлланилаётир. Албатта, бунга юртимизда барча соҳада олиб борилаётган улкан ислоҳотлар асос. Муҳими, марралар баланд, мақсадлар эзгу!

Биз ҳам ўз фаолиятимизни бутунлай янгича тизим орқали ташкил этиш, тармоққа истиқболли лойиҳаларни, иш услубларини татбиқ қилиш бўйича қатъий чора-тадбирларни кўрмоқдамиз. Жорий йилда амалга ошириладиган асосий вазифаларимиз ҳар қачонгидан-да масъулиятли, десам, муболаға эмас.

Хусусан, истеъмолчиларга 5,4 миллиард кВт/соат, шундан аҳолига 2,5 миллиард кВт/соат, иқтисодиёт тармоқларига эса 2,9 миллиард кВт/соат электр энергиясини етказиб бериш кўзда тутилган. Эътиборлиси, айни шу йўналишда ўсиш суръати 107,3 фоизга етказилади.

Бундан ташқари, 2801,1 км. электр тармоғи ҳамда 854 та трансформатор мукаммал, 6519,7 км. тармоқ ва 1 911 та трансформатор жорий таъмирдан чиқарилади. Вилоят бўйича жами 20 мингга яқин темир-бетон таянчлар ўрнатилиши ҳам режамиздан ўрин олган.

Юқорида таъкидланганидек, "Ургут" эркин иқтисодий зонасининг "Ургут-1", Сариқтепа даҳасидаги нимстанциянинг иккинчи босқичида белгиланган қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилади.

Қолаверса, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларининг талаб этилаётган қувватларини инобатга олган ҳолда, 35 — 110 кВт бўлган нимстанцияларда тўққизта куч трансформаторини янгидан ўрнатиш ҳисобига қўшимча 78,3 мегаватт захира қуввати яратилади.

Бугунги кунда иш кетаётган Пайариқ туманининг Хартанг қишлоғидаги "Ал-Бухорий" мажмуасини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш мақсадида ушбу ҳудуд атрофида 110/10 кВт бўлган 2х25000 кВА трансформаторли янги нимстанция қурилишини тўлиқ якунлаймиз. Шу билан бирга, Самарқанд шаҳридаги 10 кВт.ли тақсимлаш қурилмалари РП-2, РП-3, РП-Оқсарой, 35/6 кВт.ли "Чинор", "Марказий", "Амон", "Регистон" ва "Шердор" нимстанцияларини реконструкция қилиш режалаштирилган.

Яна бир энг катта лойиҳалардан бири, бу — шаҳарнинг Хишрав қўрғонидаги акциядорлик жамиятига қарашли техник ўқув полигонида темир-бетон ишлаб чиқариш заводи қурилиши якунланиб, фойдаланишга топширилади. Қиймати 3,5 миллиард сўмга тенг бўлган ушбу истиқболли лойиҳанинг ишга туширилиши натижасида бир йилда 11 мингта темир-бетон тайёрланади.

Шу ўринда "юқоридаги ишлар истеъмолчиларга қандай қулайликлар яратади?" деган савол туғилиши мумкин. Албатта, жорий йилда рўёбга чиқарилиши кўзда тутилган лойиҳалар, режа-дастурларнинг амалга оширилиши натижасида 410 дан ортиқ маҳаллаларда истиқомат қиладиган 153 мингга яқин фуқароларнинг электр энергияси таъминоти сифати янада яхшиланади. Ушбу хайрли тадбирларга жами 80,2 миллиард сўм маблағ йўналтирилишининг ўзи ҳам қилинадиган ишлар кўлами нақадар кенг эканлигидан далолат беради.

**«Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари» АЖ Матбуот хизмати маълумотлари асосида тайёрланди.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 348. 31 515 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.40 Топширилди — 00.40 1 2 3 4 5 6